

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ
ТЎПЛАМИ

21-сон
(365)
2009 йил
25 май

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

тўпламнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

тўпламнинг бешинчи бўлимида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Иккинчи бўлим

249. «Тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 15 майдаги ПҚ–1112-сон қарори

250. «Тез тиббий ёрдам кўрсатиш тизими фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 21 майдаги ПҚ–1114-сон қарори

Учинчи бўлим

251. «Халқ таълими муассасалари харажатларини молиялаштириш механизмини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 18 майдаги 139-сон қарори

252. «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида» 2009 йил 30 мартдаги ПҚ–1083-сон ва «Агробанк» акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида» 2009 йил 30 мартдаги ПҚ–1084-сон қарорлари)» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 20 майдаги 142-сон қарори
253. «Инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 20 майдаги 144-сон қарори
254. «Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 21 майдаги 145-сон қарори

Бешинчи бўлим

255. «Тугатилаётган корхонанинг мол-мулки ва мажбуриятларини инвентарлашни ташкил этиш ва қийматини аниқлаш бўйича йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг 2009 йил 24 апрелдаги 10-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 18 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 887-2*)
256. «Марказлаштирилган манбалар ҳисобидан молиялаштириладиган объектлар бўйича қурилиш муддатлари ва шартнома мажбуриятларига риоя этилиши устидан мониторинг юритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг 2009 йил 23 апрелдаги 1-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 22 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1959*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2009 йил 16 майдан 22 майгача бўлган маълумот

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

249 Тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик янада ривожланишини рағбатлантиришни кучайтириш, мамлакат иқтисодиётининг барқарор фаолият юритишида унинг ролини ошириш, янги иш жойларини шакллантириш ва аҳоли бандлигини таъминлаш, шунингдек, хусусий тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ҳамда юритиш учун қўшимча равишда қулай шарт-шароитлар яратиш, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг 2009 йил 1 июндан бошлаб 1-иловага* мувофиқ кадастр ҳужжатларини расмийлаштириш бўйича хизмат кўрсатиш тарифларини пайсантириш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси Молия вазирлиги, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси билан келишилган ҳолда, бир ой муддатда, бино майдони ўлчамига, унинг неча қаватлилиги, ер участкаси майдони ва унда объектлар мавжудлигига қараб ишларнинг ҳар бир тури бўйича кадастр ҳужжатларини расмийлаштириш хизматларига белгиланган тартибда қайд этилган тарифларни тасдиқласин.

2. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Марказий банки, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси ҳамда Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг 2009 йил 1 июндан бошлаб:

тадбиркорлик объектларининг архитектура-режалаштириш топшириқларини ишлаб чиқиш ва уларнинг лойиха ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш қийматини 2-иловага* мувофиқ;

тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи юридик ва жисмоний шахсларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун бож ҳақини — энг кам иш ҳақи микдорининг 5 баробаридан 2 баробари микдоригача;

* 1-2-иловалар рус тилидаги матнда берилган.

тадбиркорлик субъектлари томонидан банкларда ҳисоб рақамларини очиш учун тўловларни — энг кам иш ҳақи миқдорининг 1 баробаридан 0,5 баробари миқдоригача, қишлоқ жойларда эса — энг кам иш ҳақининг 0,1 баробари миқдоригача пасайтириш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

3. Белгилансинки, кичик корхона ўз уйларида ишлаётган (касаначилик билан шуғулланаётган) фуқаролар билан, қонун ҳужжатларида белгиланган ходимлар сонининг чекланган нормативидан кўпи билан 30 фоиз ошган миқдорда меҳнат шартномалари тузганда, кичик корхоналар учун назарда тутилган кафолатлар, имтиёзлар ва преференциялар мазкур корхона учун сақланиб қолади.

4. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Адлия вазирлиги, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, Савдо-саноат палатаси мунтазам равишда:

жойларда давлат бошқаруви ҳамда давлат ҳокимияти органлари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг қонун ҳужжатларида белгиланган ҳуқуқларига риоя этилиши мониторинги олиб борилишини таъминласин. Мониторинг натижалари тўғрисидаги маълумотларни, аниқ таклифлар билан биргаликда Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича Республика мувофиқлаштириш кенгашига ҳар чоракда киритиб борсин;

жойлардаги давлат бошқаруви ҳамда давлат ҳокимияти органларининг тадбиркорлар ҳуқуқларини поймол этаётган қарорларини тўлиқ ёки қисман ҳақиқий эмас (ноқонуний) деб эътироф этиш тўғрисида, шунингдек, жойлардаги давлат бошқаруви ҳамда давлат ҳокимияти органларининг тадбиркорлар ҳуқуқларини чекловчи қарорлар қабул қилган мансабдор шахсларини жавобгарликка тортиш тўғрисида судларга даъво аризалари киритилишини таъминласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ўн кун муддатда Ўзбекистон Республикаси ҳукумати қарорларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар киритсин.

Вазирликлар ва идоралар бир ой муддатда идоравий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазкур қарорга мувофиқлаштирилишини таъминласин.

6. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 15 май,
ПҚ-1112-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**250 Тез тиббий ёрдам кўрсатиш тизими фаолиятини та-
комиллаштириш тўғрисида**

Қайд этиб ўтилсинки, Республика шошилич тиббий ёрдам марказининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга гоят катта маблағлар йўналтири-лаётганига қарамасдан, замонавий асбоб-ускуналардан фойдаланишда жиддий камчиликлар мавжуд, ихтисослаштирилган тиббиёт автотранспорти парки етарлича ташкил этилмаган.

Айрим вилоят соғлиқни сақлаш бошқармалари ва Республика шошилич тиббий ёрдам маркази филиаллари томонидан ихтисослаштирилган автотранспортдан нооқилона ва мақсадга номувофиқ тарзда фойдаланиш ҳолатларига йўл қўйилмоқда, гараж хўжалиги ва транспортга техник хизмат кўрсатиш тизимлари суёт ташкил этилган, соғлиқни сақлаш бошқармаси ҳудудий органлари томонидан назорат-тафтиш ишлари паст даражада олиб борилмоқда, айрим ҳолларда эса батамом хўжасизликка йўл қўйилмоқдаки, бунга мутлақо тоқат қилиб бўлмайди.

Навой, Наманган, Сирдарё ва Фарғона вилоятларида айниқса нохуш ҳолат юзага келган бўлиб, мазкур вилоятлардаги тез тиббий ёрдам кўрсатиш автомобиль парки деярли тўлиқ эскириб кетган ва ўз ресурсини тугатиб бўлган.

Юқорида қайд этилган камчиликларни бартараф этиш, мавжуд ихтисослаштирилган автотранспорт паркидан мақсадли ва самарали фойдаланишни таъминлаш юзасидан жойлардаги соғлиқни сақлаш тизими ҳамда давлат ҳокимияти органлари раҳбарларининг жавобгарлигини тубдан ошириш, шунингдек тез тиббий ёрдам хизматининг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш мақсадида:

1. Соғлиқни сақлаш вазирлиги раҳбариятига соғлиқни сақлаш ҳудудий бошқармалари ва Республика шошилич тиббий ёрдам маркази ҳамда унинг жойлардаги филиаллари фаолияти вазирлик томонидан етарлича назорат қилинмаётганлиги кўрсатиб ўтилсин.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлик-лари билан биргаликда Республика шошилич тиббий ёрдам маркази, биринчи навбатда унинг ҳудудий филиаллари кадрлар таркибини мустаҳкамлаш борасида қўшимча чора-тадбирларни қабул қилсин.

Қабул қилинган чора-тадбирлар тўғрисида бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига маълумот берилсин.

2. Тез тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини ихтисослаштирилган автотранспорт билан таъминлаш нормативлари 1-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Молия вазирли-

* 1-илова рус тилидаги матнда берилган.

ги билан биргаликда 2010 — 2012 йилларда тез тиббий ёрдам автопаркини нормативларга мувофиқ кўшимча жиҳозлаш бўйича зарур чора-тадбирларни кўрсин ва ундан авайлаб, қатъиян мақсадга мувофиқ ҳамда самарали фойдаланилишини таъминласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Молия вазирлиги:

соғлиқни сақлаш муассасаларининг мансабдор шахслари ва ҳайдовчилари томонидан автомобилларнинг чиқиш-киришини ҳисобга олиш тизими-га риоя этилиши, шунингдек уларнинг ихтисослаштирилган автотранспортдан мақсадли фойдаланишни таъминлашлари устидан доимий равишда қаттиқ назоратни амалга оширсин;

ихтисослаштирилган тиббиёт автотранспортдан мақсадга номувофиқ фойдаланилишининг ҳар бир аниқланган фактини Республика шошилинч тиббий ёрдам марказининг ҳудудий филиаллари раҳбарлари томонидан хизмат мавқеини суиистеъмол қилиш деб ҳисобласин. Бундан келиб чиқадиган барча оқибатларни қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳолда кўриб чиқсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Молия вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда:

бир ой муддатда тез тиббий ёрдам тизими автогараж хўжалигига ва унинг моддий-техника воситалари билан таъминланганлигига нисбатан талабларни, шунингдек ихтисослаштирилган автотранспортнинг узлуксиз ишлаши учун ёқилғи-мойлаш материаллари ҳамда эҳтиёт қисмлар сарфи нормаларини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

икки ой муддатда автохўжаликларни йириклаштиришни, уларнинг моддий-техника базасини ривожлантириш, таъмирлаш устахоналари билан таъминлашни ва ихтисослаштирилган автотранспорт воситаларига техник хизмат кўрсатиш учун шарт-шароитлар яратилишини назарда тутган ҳолда гараж хўжалигини бошқариш ва ундан фойдаланишни тўлиқ қайта ташкил этсин;

ихтисослаштирилган автотранспортга хизмат кўрсатувчи муҳандис-техник ва таъмирловчи ходимлар малакасини ошириш чора-тадбирлари мунтазам асосда амалга оширилишини таъминласин.

Ҳудудий молия органлари ва соғлиқни сақлаш органлари раҳбарлари зиммасига ихтисослаштирилган автотранспортнинг узлуксиз ишлашини таъминлаш учун сарф нормаларига мувофиқ, зарур эҳтиёт қисмлар ҳамда ёқилғи-мойлаш материалларининг ўз вақтида харид қилиниши юзасидан шахсий жавобгарлик юклансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлигининг:

Республика шошилинч тиббий ёрдам маркази ва унинг вилоят филиалларига Корея Республикаси ҳукуматининг грант маблағлари ҳисобига кел-

тирилган 110 та тез ёрдам автомобилларини 2-иловага* мувофиқ фойдаланишга топшириш;

Республика шошилич тиббий ёрдам маркази автопаркида мавжуд бўлган санитария автотранспортини 3-иловага* мувофиқ туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаларининг шошилич тиббий ёрдам хизматларига топшириш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тез ҳамда шошилич тиббий ёрдам хизматларини санитар автотранспорти билан жиҳозлаш учун Корея Республикаси ҳукуматининг грантидан самарали фойдаланишни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2007 йил 5 ноябрдаги ПҚ-724-сон қарорининг иловаси ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 21 май,
ПҚ-1114-сон

* 2-3-иловалар рус тилидаги матнда берилган.

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

251 Халқ таълими муассасалари харажатларини молиялаштириш механизмини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

«Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунини бажариш юзасидан ҳамда халқ таълими муассасаларини молиялаштириш механизмини янада такомиллаштириш, молиявий-иқтисодий масалаларни ҳал этишда мактабгача таълим муассасаларининг мустақиллигини кенгайтириш ва масъулиятини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Молия вазирлиги маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан биргаликда маҳаллий бюджетлардан молиялаштириладиган мактабгача таълим муассасаларига, уларда бухгалтер лавозимини киритган ҳолда иловага мувофиқ жадвалга кўра босқичма-босқич юридик шахс мақоми берилишини таъминласинлар.

2. Мактабгача таълим муассасаларининг мудирларига ва бухгалтерларига ҳудудий молия органларининг халқ таълими муассасаларини молиялаштириш бўлимлари билан биргаликда қуйидаги функцияларни амалга ошириш юклансин:

педагог ходимларни тарификациялашни ҳисобга олган ҳолда мактабгача таълим муассасаларининг харажатлар сметасини ва штатлар жадвалини тузиш ва уларни молия органларида рўйхатдан ўтказиш;

белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган харажатлар сметасини, шу жумладан товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб бериш юзасидан шартномаларни фақат Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Фазначилигининг ҳудудий бўлинмалари орқали ижро этиш ва тузиш;

мактабгача таълим муассасаларида ўз вақтида жорий тўловларни амалга ошириш, иш ҳақи, нафақалар ва уларга тенглаштирилган тўловларни ҳисоблаб чиқиш ва тўлаш;

тасдиқланган штатларга, сметаларга ва молия интизомига қонун ҳужжатларига мувофиқ қатъий риоя қилинишини таъминлаш.

3. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Молия вазирлиги:

бир ҳафта муддатда ушбу қарордан келиб чиқувчи вазифаларни амалга ошириш юзасидан комплекс чора-тадбирлар қабул қилсинлар;

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан биргаликда халқ таълими муассасалари бухгалтерлари

меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича разрядларни бир ой муддатда ишлаб чиқсинлар ва белгиланган тартибда тасдиқласинлар;

2009-2010 йиллар мобайнида мактабгача таълим муассасалари малакали бухгалтерлар билан бутланишини таъминласинлар;

2010 йил мобайнида тарбияланувчилар сони кам бўлган мактабгача таълим муассасалари тармоғини тартибга солиш (қисқартириш) тадбирларини амалга оширсинлар;

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ушбу қарорга мувофиқлаштирилишини таъминласинлар.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ушбу қарорни рўёбга чиқариш билан боғлиқ харажатларни 2009 йилги Давлат бюджетининг тасдиқланган харажатлари доирасида «Таълим» бўлими бўйича бюджет маблағлари ҳисобига амалга оширсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги манфаатдор давлат ва хўжалик бошқаруви органлари билан биргаликда жорий йил охиригача идоравий мактабгача таълим муассасалари фаолиятини «Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни ҳамда мактабгача таълим соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мувофиқлаштиради.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Қосимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2009 йил 18 май,
139-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2009 йил 18 майдаги 139-сон қарорига
ИЛОВА

**Мактабгача таълим муассасаларига юридик шахс
мақомини бериш
ЖАДВАЛИ**

Босқичлар	Бериш муддатлари	Гуруҳларга (тарбияланувчиларга) эга бўлган мактабгача таълим муассасалари
I босқич	2009 йил 1 июль — 2009 йил 1 октябрь	6 ва ундан ортиқ гуруҳ (120 ва ундан ортиқ тарбияланувчи)
II босқич	2009 йил 1 октябрь — 2010 йил 1 январь	4-5 гуруҳ (80 — 120 тарбияланувчи)
III босқич	2010 йил мобайнида	4 гуруҳгача (80 тарбияланувчигача)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

252 Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида» 2009 йил 30 мартдаги ПҚ–1083-сон ва «Агробанк» акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида» 2009 йил 30 мартдаги ПҚ–1084-сон қарорлари)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида» 2009 йил 30 мартдаги ПҚ–1083-сон ва «Агробанк» акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида» 2009 йил 30 мартдаги ПҚ–1084-сон қарорларига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 1-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартиришлар киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага мувофиқ баъзи қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2009 йил 20 май,
142-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2009 йил 20 майдаги 142-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига
кiritилаётган ўзгартиришлар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида акциз маркаларини жорий этишга тийёргарлик кўриш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида» 1996 йил 18 июлдаги 256-сон қарори 4-бандининг учинчи хатбошидаги «Пахта-банк» сўзлари «Агробанк» АТБ» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида тиббиёт ва фармацевтика саноатини ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 1996 йил 14 августдаги 283-сон қарорининг 3-бандидаги «Пахта-банк» сўзлари «Агробанк» АТБ» сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 14 августдаги 285-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1996 й., 8-сон, 24-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида четдан келтириладиган ва республиканинг ўзида ишлаб чиқариладиган тамаки маҳсулотлари ва спиртли ичимликларга акциз маркаларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низом 8-бандининг биринчи хатбошидаги «Пахта-банк» сўзлари «Агробанк» АТБ» сўзлари билан алмаштирилсин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзгўштсутсаноат» давлат уюшмаси корхоналарини хусусийлаштириш, акционерлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш ва давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 1996 йил 19 августдаги 290-сон қарори 5-бандининг учинчи хатбошидаги «Пахта-банк» сўзлари «Агробанк» АТБ» сўзлари билан алмаштирилсин.

5. Вазирлар Маҳкамасининг «Қишлоқ хўжалиги корхоналарини санация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» 1998 йил 7 февралдаги 61-сон қарорининг 3-бандидаги «Пахта-банк» сўзлари «Агробанк» АТБ сўзлари билан алмаштирилсин.

6. Вазирлар Маҳкамасининг «Қоракўлчиликда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ва уни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 1998 йил 13 июндаги 250-сон қарорининг 8-бандидаги «Пахта-банк» сўзлари «Агробанк» АТБ» сўзлари билан алмаштирилсин.

7. Вазирлар Маҳкамасининг «Қишлоқ хўжалиги корхоналарини санация қилиш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 1998 йил 26 декабрдаги 537-сон қарори 4-бандининг биринчи хатбошидаги «Пахта-банк», «Мевасабзавотбанк», «Ғалла-банк» сўзлари «Агробанк» АТБ» сўзлари билан алмаштирилсин.

8. Вазирлар Маҳкамасининг «Қишлоқни лизинг шартларида қишлоқ хўжалиги техникаси билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2000 йил 2 ноябрдаги 424-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 11-сон, 70-модда):

а) 3-банднинг иккинчи хатбошидаги «Пахта-банк» сўзлари «Агробанк» АТБ» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 6-банднинг учинчи хатбошидаги «Пахта-банк» сўзлари «Агробанк» АТБ» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 1-илова матнидаги «Пахта-банк»ка кўрсатмалар тегишли келишиқда «Агробанк» АТБ»га кўрсатмалар билан алмаштирилсин.

9. Вазирлар Маҳкамасининг «Республика пахта тозалаш саноатини бошқариш тизимини такомиллаштириш тўғрисида» 2001 йил 12 июндаги 252-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2001 й., 6-сон, 29-модда):

а) 10-банднинг биринчи хатбошидаги «Пахта-банк» сўзлари «Агробанк» АТБ» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 9-илова матнидаги «Пахта-банк»ка кўрсатмалар тегишли келишиқда «Агробанк» АТБ»га кўрсатмалар билан алмаштирилсин.

10. Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 24 октябрдаги 419-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2001 й., 10-сон, 56-модда) билан тасдиқланган Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ҳисоб-китоб жамғармаси даромад (фойда)ларини тақсимлаш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 1-бандидаги «Жамғарманинг молиявий агентлари («Пахта-банк» ва «Фалла-банк»)» сўзлари «Жамғарманинг молиявий агенти («Агробанк» АТБ)» сўзлари билан алмаштирилсин.

11. Вазирлар Маҳкамасининг «Қишлоқ хўжалиги корхоналарини фермер хўжалиқларига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2002 йил 5 январдаги 8-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 1-сон, 2-модда):

а) 4-банднинг биринчи хатбошидаги «Пахта-банк», «Фалла-банк» сўзлари «Агробанк» АТБ, «Қишлоқ қурилиш банк» АТБ» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) «Қишлоқ хўжалиги корхоналарини фермер хўжалиқларига айлантириш бўйича комиссия тўғрисида намунавий низомга иловадаги «Пахта-банк» сўзлари «Агробанк» АТБ» сўзлари билан алмаштирилсин.

12. Вазирлар Маҳкамасининг «Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки иштирокидаги «Қишлоқ хўжалиги корхоналарини қўллаб-қувватлаш» лойиҳасини амалга оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида» 2002 йил 15 февралдаги 52-сон қарори 2-бандининг учинчи хатбошидаги «Пахта-банк» акциядорлик-тижорат банки» сўзлари «Агробанк» акциядорлик тижорат банки» сўзлари билан алмаштирилсин.

13. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2002 йил 31 октябрдаги 374-сон қарорига 1-илованинг 16-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 10-сон, 63-модда) қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«16. «Агробанк» АТБ».

14. Вазирлар Маҳкамасининг «Осиё тараққиёт банки иштирокида «Кичик ва микро молиялаштиришни ривожлантириш» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2003 йил 11 августдаги 348-сон қарорида:

а) 2-бандда:

бешинчи ва еттинчи хатбошидаги «Пахта-банк» сўзлари «Агробанк» АТБ» сўзлари билан алмаштирилсин;

олтинчи хатбошидаги «Пахта-банк»ка сўзлари «Агробанк» АТБга» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 6-банддаги «Пахта-банк» сўзлари «Агробанк» АТБ» сўзлари билан алмаштирилсин.

15. Вазирлар Маҳкамасининг «Аҳолига шошилиқ тиббий ёрдам хизматини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2003 йил 2 декабрдаги 537-сон қарорига 2-иловадаги «Тошматов Қ.Ф. — «Пахта-банк»

бошқарувининг раиси» сўзлари «Боймуратов А.Ж. — «Агробанк» АТБ бошқарувининг раиси» сўзлари билан алмаштирилсин.

16. Вазирлар Маҳкамасининг «Муддати ўтказиб юборилган дебиторлик ва кредиторлик қарзларни қисқартириш ва бюджетга тўловлар интизомини мустаҳкамлаш бўйича Республика комиссиясини ташкил этиш тўғрисида» 2004 йил 9 февралдаги 61-сон қарорига иловадаги «Тошматов Қ.Ф. — «Пахта-банк» бошқарувининг раиси, Ўринбоев И.И. — «Фалла-банк» бошқарувининг раиси» сўзлари тегишли равишда «Боймуратов А.Ж. — «Агробанк» АТБ бошқарувининг раиси, Тошмуродов Ш.М. — «Қишлоқ қурилиш банк» АТБ бошқарувининг раиси» сўзлари билан алмаштирилсин.

17. Вазирлар Маҳкамасининг «Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш бўйича республика комиссияси фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида» 2004 йил 25 февралдаги 87-сон қарорига 1-иловадаги (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 2-сон, 15-модда) «Тошматов Қ.Ф. — «Пахта-банк» бошқарувининг раиси, Ўринбоев И.И. — «Фалла-банк» бошқарувининг раиси» сўзлари тегишли равишда «Боймуратов А.Ж. — «Агробанк» АТБ бошқарувининг раиси», «Тошмуродов Ш.М. — «Қишлоқ қурилиш банк» АТБ бошқарувининг раиси» сўзлари билан алмаштирилсин.

18. Вазирлар Маҳкамасининг «Оролбўйи генофондини муҳофаза қилиш хайрия жамғармасини ташкил этиш тўғрисида» 2004 йил 3 апрелдаги 162-сон қарорига:

а) 1-иловада:

12-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«12. «Агробанк» АТБ»;

16-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«16. «Қишлоқ қурилиш банк» АТБ»;

б) 2-илованинг тўққизинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин: «Боймуратов А.Ж. — «Агробанк» АТБ бошқарувининг раиси».

19. Вазирлар Маҳкамасининг «Республика комиссиялари ва кенгашлари таркибини тасдиқлаш тўғрисида» 2004 йил 26 июлдаги 358-сон қарорига:

а) «Тошматов Қ.Ф. — «Пахта-банк» бошқарувининг раиси» сўзлари «Боймуратов А.Ж. — «Агробанк» АТБ бошқарувининг раиси» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 14-иловадаги «Абдуллаева Ш.Р. — Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги раисининг ўринбосари», «Тошматов Қ.Ф. — «Пахта-банк» бошқарувининг раиси» сўзлари «Тўлаганов Ш.А. — Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирининг ўринбосари», «Боймуратов А.Ж. — «Агробанк» АТБ бошқарувининг раиси» сўзлари билан алмаштирилсин.

20. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг Ҳомийлик кенгаши таркибидаги ўзгаришлар тўғрисида» 2004 йил 27 августдаги 407-сон қарорига иловадаги «Тошматов Қ.Ф. — «Пахта-банк» бошқарувининг раиси» сўзлари «Боймуратов А.Ж. — «Агробанк» АТБ бошқарувининг раиси» сўзлари билан алмаштирилсин.

21. Вазирлар Маҳкамасининг «Осиё тараққиёт банки иштирокида «Ки-

чик ва микро молиялаштиришни ривожлантириш» лойиҳасини амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2005 йил 4 августдаги 186-сон қарорига илованинг 5-бандидаги «Пахта-банк» сўзлари «Агробанк» АТБ» сўзлари билан алмаштирилсин.

22. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўсимликларни химоя қилиш кимёвий препаратларини етказиб бериш ва улардан фойдаланиш самарадорлигини назорат қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2006 йил 24 февралдаги 31-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2006 й., 2-сон, 14-модда) 3-иловадаги «Шарипов И.Р. — «Пахта-банк» бошқаруви раисининг ўринбосари» сўзлари «лавозимига кўра — «Агробанк» АТБ бошқаруви раисининг ўринбосари» сўзлари билан алмаштирилсин.

23. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзmeliомашлизинг» давлат лизинг компаниясини ташкил этиш тўғрисида» 2007 йил 21 декабрдаги 266-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2007 й., 12-сон, 73-модда):

а) 7-банднинг иккинчи хатбошидаги «Пахта-банк» акциядорлик-тижорат банки» сўзлари «Агробанк» акциядорлик тижорат банки» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 2-илова 4-бандининг иккинчи хатбошидаги «Пахта-банк» акциядорлик-тижорат банки» сўзлари «Агробанк» акциядорлик тижорат банки» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 3-иловадаги «Шарипов И.Р. — «Пахта-банк» бошқаруви раисининг ўринбосари» сўзлари «лавозимига кўра — «Агробанк» АТБ бошқаруви раисининг ўринбосари» сўзлари билан алмаштирилсин.

24. Вазирлар Маҳкамасининг «Халқаро тараққиёт уюшмаси иштирокидаги «Қишлоқ хўжалиги корхоналарини қўллаб-қувватлаш. II босқич» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2008 йил 27 августдаги 196-сон қарорида:

а) 3-банднинг учинчи хатбошидаги «Пахта-банк» сўзлари «Агробанк» сўзи билан алмаштирилсин;

б) 2-илованинг «Изоҳ» сатрининг 3-бандидаги «Пахта-банк» сўзлари «Агробанк» АТБ» сўзлари билан алмаштирилсин.

25. Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 31 декабрдаги 288-сон қарори билан тасдиқланган Иқтисодиётнинг реал сектори соҳасида корхоналарни ва инвестицион фаолликни кредит йўли билан қўллаб-қувватлашни таъминлаш масалаларини кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги Вақтинчалик низом 2-бандининг олтинчи хатбошидаги «Пахта-банк» акциядорлик-тижорат банки», «Фалла-банк» акциядорлик-тижорат банки» сўзлари «Агробанк» АТБ», «Қишлоқ қурилиш банк» АТБ» сўзлари билан алмаштирилсин.

26. Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 15 декабрдаги 726-ф-сон фармойишига иловадаги «Шарипов Илҳом Раҳмонович — «Пахта-банк» бошқаруви раисининг ўринбосари» сўзлари «лавозимига кўра — «Агробанк» АТБ бошқаруви раисининг ўринбосари» сўзлари билан алмаштирилсин.

Вазирлар Маҳкамасининг
2009 йил 20 майдаги 142-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини
йўқотган қарорлари
РЎЙХАТИ**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ғалла-банк» ихтисослаштирилган акционерлик-тижорат банкининг фаолият кўрсатиши учун шарт-шароитлар яратишга оид чора-тадбирлар тўғрисида» 1994 йил 27 июндаги 322-сон қарори.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ихтисослаштирилган акционерлик-тижорат «Пахта-банк»ни ташкил этиш тўғрисида» 1995 йил 27 июлдаги 294-сон қарори.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Банк тизимини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» 1999 йил 15 январдаги 24-сон қарорининг 5-банди, шунингдек қарорга 1-илова.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**

**253 Инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқаришга татбиқ
этишни рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тад-
бирлар тўғрисида**

Инновацион лойиҳалар ишлаб чиқувчиларини, шунингдек Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар Республика ярмаркаси доирасида танлаб олинган инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқаришга татбиқ қилаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини янада қўллаб-қувватлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, Савдо-саноат палатаси ва Иқтисодиёт вазирлигининг грант сифатида 400 млн. сўм миқдоридан маблағ, шу жумладан кейинчалик уларни инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқувчиларга, шунингдек Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар Республика ярмаркаси яқунларига кўра инновацион ишланмаларни татбиқ этаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига бериш учун Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси ҳузуридаги Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва корхоналарни

таркибий ўзгартириш жамғармаси ҳисобига — 300 млн. сўм ҳамда Савдо-саноат палатаси ҳисобига — 100 млн. сўм ажратиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, инновацион ишланмаларни танлаб олиш ва уларни молиялаштириш (қўшимча молиялаштириш) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси ва Иқтисодиёт вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2008 йил 15 июлдаги ПҚ–916-сон қарорига мувофиқ ташкил этилган Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар Республика ярмаркасини ўтказишни Мувофиқлаштирувчи ишчи гуруҳ (кейинги ўринларда Мувофиқлаштирувчи ишчи гуруҳ деб аталади) билан келишган ҳолда амалга оширилади.

3. Белгилансинки:

инновацион ишланмаларни тугаллашга, тажриба саноат намуналарини яратишга, дастлабки лойиҳаларни амалга оширишга, шунингдек уларни давлат бюджетидан молиялаштириладиган ташкилотларга татбиқ этишга грант маблағлари ажратиш молиялаштириш шартларида амалга оширилади;

инновацион ишланмаларни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига тижорат сифатида татбиқ этишга грант маблағлари ажратиш татбиқ этиш қийматининг 70 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда қўшимча молиялаштириш шартларида амалга оширилади;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда патентлар, лицензиялар ва/ёки амалий фаолиятда инновацион ишланмалардан фойдаланиш хавфсизлигини тасдиқлайдиган бошқа ҳужжатларнинг мавжуд бўлиши инновацион ишланмаларни танлаб олишнинг асосий шартлари ҳисобланади;

хар бир аниқ ҳолатда грантлар ажратиш шартлари Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси (грант берувчи) билан инновацион лойиҳалар ишлаб чиқувчилар ҳамда инновацион лойиҳаларни татбиқ этаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ўртасида тузиладиган битимларда белгиланади.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси ва Иқтисодиёт вазирлиги:

бир ой муддатда ушбу қарорда назарда тутилган маблағлар ҳисобига уларнинг татбиқ этилишига грантлар бериш учун инновацион ишланмаларнинг рўйхатини Мувофиқлаштирувчи ишчи гуруҳ кўриб чиқиши учун киритсинлар;

Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, Савдо-саноат палатаси билан биргаликда бир ҳафта муддатда грантлар ажратиш бўйича уч томонлама намунавий битимлар лойиҳаларини ишлаб чиқсинлар.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Қосимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2009 йил 20 май,
144-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**

254 Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Соғлиқни сақлаш тизими ни ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида» 2007 йил 19 сентябрдаги ПФ–3923-сон Фармонини бажариш юзасидан ҳамда республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказларининг фаолиятини ташкил этишни таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт маркази тўғрисидаги низом ҳамда унинг тузилмаси 1 ва 1а-иловаларга мувофиқ;

Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази тўғрисидаги низом ҳамда унинг тузилмаси 2 ва 2а-иловаларга мувофиқ;

Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт маркази тўғрисидаги низом ҳамда унинг тузилмаси 3 ва 3а-иловаларга мувофиқ;

Республика ихтисослаштирилган дерматология ва венерология илмий-амалий тиббиёт маркази тўғрисидаги низом ҳамда унинг тузилмаси 4 ва 4а-иловаларга мувофиқ;

Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт маркази тўғрисидаги низом ҳамда унинг тузилмаси 5 ва 5а-иловаларга мувофиқ;

Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази тўғрисидаги низом ҳамда унинг тузилмаси 6 ва ба-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Соғлиқни сақлаш тизимида экспериментни тугаллаш ва ислохотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2004 йил 8 июндаги 264-сон қароридagi:

аҳолига пулли асосда диагностика ва даволаш сифати стандартларига риоя қилган ҳолда юқори малакали ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш;

давлат бюджети маблағлари ҳисобига имтиёзга эга бўлган шахсларга ордерлар бериш, уларни даволашга ётқизиш ва даволаш ҳақини тўлаш тартиби;

шошилиш тиббий ёрдамга мухтож бўлган беморларни даволашга ётқиши;

марказлар даромадларини шакллантиришнинг асосий манбалари ва улар фаолиятини молиялаштириш тартиби юқорида кўрсатиб ўтилган республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказларига татбиқ этилсин.

3. Белгилаб қўйилсинки, республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказларининг давлат тасарруфидаги мол-мулки фақат Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси билан келишган ҳолда гаров, айирбошлаш ёки олди-сотди предмети бўлиши мумкин.

4. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Молия вазирлиги томонидан: 2010 йилдан бошлаб — Республика акушерлик ва гинекология илмий-амалий марказининг ҳамда Республика терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий марказининг, 2014 йилдан бошлаб — Республика дерматология ва венерология илмий-амалий марказининг ҳамда Республика эндокринология илмий-амалий марказининг ўзини ўзи маблағ билан таъминлашга ва ўз харажатларини ўзи қоплашга ўтиши жадвали тасдиқланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишган ҳолда ҳар йили республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказларини бюджетдан молиялаштириш ҳажмларини тасдиқласин;

икки ҳафта муддатда марказлар кенгашлари тўғрисидаги низомларни ва уларнинг шахсий таркибларини, янги шарт-шароитларда марказлар фаолиятини тартибга солувчи бошқа норматив ҳужжатларни тасдиқласин;

ҳар бир республика илмий-амалий тиббиёт маркази бўйича унинг соҳасидан келиб чиққан ҳолда пулли хизматлар кўрсатиш бўйича табақалаштирилган тариф сиёсатини, шунингдек бюджет маблағларидан белгиланган мақсадда ва самарали фойдаланилиши ҳамда бюджет интизомига риоя этилиши устидан қатъий назоратни назарда тутувчи чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқсин.

Амалга ошириладиган ишлар тўғрисида ҳар чоракда, ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 10-кунигача Вазирлар Маҳкамасига ахборот берилсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Қосимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2009 йил 21 май,
145-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2009 йил 21 майдаги 145-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва
гинекология илмий-амалий тиббиёт маркази тўғрисида
НИЗОМ**

І. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт маркази фаолиятини ташкил этиш ва молиялаштириш тартибини белгилайди.

Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт маркази (кейинги ўринларда Марказ деб аталади) Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида» 2007 йил 19 сентябрдаги ПФ-3923-сон Фармони асосида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Акушерлик ва гинекология илмий-тадқиқот институти негизида акушерлик ва гинекология соҳасида даволаш-профилактика, илмий-тадқиқот ва методик фаолиятни амалга оширадиган ҳамда аҳолига юқори малакали ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатадиган ихтисослаштирилган мустақил тиббиёт муассасаси сифатида ташкил этилади.

2. Марказ давлат муассасаси шаклида ташкил этилади, юридик шахс ҳисобланади, мустақил балансга, банкларда ҳисоб рақамларига, Марказнинг номи тўлиқ кўрсатилган муҳрга эга бўлади.

Марказ акушерлик ва гинекология соҳасида ихтисослашиш турлари бўйича тиббиёт кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича клиник, ўқув базаси ҳисобланади.

3. Марказ ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва

фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг буйруқлари ва фармойишларига, бошқа қонун ҳужжатларига ҳамда ушбу Низомга амал қилади.

4. Марказ фаолиятнинг барча соҳаларидаги ўз муносабатларини Марказ олдидаги мақсад ва вазифаларга мувофиқ, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда юридик ва жисмоний шахслар билан тузилган шартномалар асосида амалга оширади.

5. Марказнинг тўлиқ номи:

давлат тилида — Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт маркази;

рус тилида — Республиканский специализированный научно-практический медицинский центр акушерства и гинекологии.

6. Марказ қўйидаги манзилда жойлашган: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Ҳ. Абдуллаев кўчаси, 132 А-уй.

7. Марказ Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига бўйсунди.

II. Марказнинг мақсади, вазифалари ва функциялари

8. Қўйидагилар Марказни ташкил этиш ва фаолиятининг мақсади ҳисобланади:

юқори сифатли ва халқаро стандартлар талаблари даражасида ихтисослаштирилган, тиббий ёрдам кўрсатишга даъват этилган юқори технологияли моддий ва илмий базани, шунингдек акушерлик ва гинекология мактабини шакллантириш;

аҳолининг акушерлик ва гинекология соҳасидаги диагностика, даволаш ва профилактика бўйича ихтисослаштирилган, юқори технологияли тиббий ёрдамга бўлган талабини қондириш.

9. Марказнинг асосий вазифалари:

а) аҳолига:

Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланадиган рўйхат бўйича патологияли ҳомиладор аёлларга, 15 ёшгача бўлган болаларга мавжуд ўринлар фонди ва поликлиника даволаш қувватининг 20 фоизгача миқдорда — бепул асосда;

Ўзбекистон Республикаси фуқароларига (ушбу кичик банднинг иккинчи хатбошида кўрсатилган шахслардан ташқари), шунингдек хорижий фуқароларга ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга — пулли асосда акушерлик ва гинекология соҳасида юқори малакали, ихтисослаштирилган, юқори технологияли тиббий ёрдам кўрсатиш;

б) тиббиёт техникаси ва аппаратларининг мавжуд паркени доимий равишда янгилаб бориш ва модернизация қилишни таъминлаш, Марказни акушерлик ва гинекология соҳасида илғор жаҳон ютуқлари даражасида, ихтисослаштирилган, юқори малакали ёрдам кўрсатиш имконини берадиган замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозлаш;

в) Марказ фаолиятини таъминлаш учун молиявий ва моддий-техник

ресурсларни жалб этиш бўйича менежмент ва маркетинг ишларини ташкил этиш;

г) Марказ тиббиёт ходимларининг, шу жумладан мутахассисларнинг етакчи хорижий тиббиёт таълим муассасаларида ва клиникаларида акушерлик ва гинекология соҳасида диагностика ва даволашнинг замонавий методлари бўйича стажировкасини ташкил этиш ҳисобига доимий равишда касбий даражасини ошириш ва такомиллаштириш;

д) ўзининг акушерлик ва гинекология соҳасида профилактика, диагностика ва даволаш бўйича илғор методларини ишлаб чиқиш ва тиббий амалиётга жорий этишга йўналтирилган илмий тадқиқотларни амалга ошириш;

е) акушерлик ва гинекология соҳасида ўзининг патент олган даволаш ва диагностика методлари ва технологияларини доимий равишда такомиллаштириш ва уларнинг халқаро миқёсда эътироф этилишига эришиш;

ж) оналик ва болаликни муҳофаза қилиш соҳасидаги республика мақсадли дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда фаол қатнашиш;

з) акушерлик ва гинекология соҳасида етакчи хорижий тиббиёт муассасалари билан халқаро ҳамкорликни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, тўпланган тажрибалар, ахборотлар, шунингдек мутахассислар билан кенг алмашишни таъминлаш.

10. Марказ ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ:

республика аҳолисининг акушерлик ва гинекология соҳасида диагностика, даволаш ва профилактиканинг жаҳондаги илғор ютуқлари даражасида энг самарали, мураккаб ва юқори технологияли методларига бўлган эҳтиёжини таъминлайди;

акушерлик ва гинекология бўйича энг кенг тарқалган касалликлар турларини диагностика қилиш, даволаш ва профилактика қилишнинг илғор, самарали методлари ва технологияларини ишлаб чиқади ва жорий этади;

республика минтақаларида акушерлик комплекслари ва туғруқхона бўлимларига ташкилий-методик ва илмий-амалий ёрдам кўрсатади;

ўз йўналиши бўйича юқори малакали мутахассисларнинг ўз мактабини шакллантиради ва ривожлантиради;

зарурат бўлганда Шошилинч тиббий ёрдамга муҳтож бўлган беморларни шифохонага ётқизиш тўғрисидаги низомга мувофиқ юқори малакали, ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига Марказнинг ихтисослашганлик йўналиши бўйича тиббиёт соҳасида илмий тадқиқотларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига доир таклифларни кўриб чиқиш учун киритади;

акушерлик ва гинекология соҳасидаги дори-дармонлар, тиббиёт воситалари, шунингдек диагностика ва даволаш методларининг клиник синовларини ўтказиши;

хориждаги тиббиёт оламига ўзининг илмий ва технологик ютуқларини тақдим этади;

акушерлик ва гинекология бўйича ўзининг илмий, ўқув-методик ҳамда ахборот-маълумотнома материалларини тайёрлайди ва нашр қилади;

тиббиёт кадрларини, шу жумладан клиник ординатура, аспирантура ва докторантура орқали тайёрлаш, қайта тайёрлашни ва уларнинг малакасини оширишни амалга оширади.

III. Марказнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

11. Марказ белгиланган мақсадларга эришиш ва зиммасига юкланган вазифаларни бажариш учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ўзининг балансига берилган давлат мулкидан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш;

ривожланиш бизнес-режаларини, харажатлар сметасини тузиш, уларнинг ҳажмларини ва шакллантириш манбаларини, шунингдек сарфлаш йўналишларини белгилаш;

Марказ соҳаси бўйича пулли асосда аҳолига юқори малакали, ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш;

асосий воситаларни ижарага олиш ёки ижарага бериш, грантларни ва бошқа молиявий ёрдамни жалб этиш;

бюджетдан ажратиладиган маблағлар ва пулли тиббий хизматлар кўрсатишдан тушган даромадлар доирасида Марказ ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ҳамда уларни моддий рағбатлантириш миқдорларини мустақил равишда белгилаш;

акушерлик ва гинекология бўйича илмий тадқиқотлар ўтказишга давлат бюджетидан грантлар олиш учун танловларда қатнашиш;

ўз фаолиятини амалга ошириш жараёнида яратилган интеллектуал мулк объектларига муаллифлик ҳуқуқларини олиш ва улардан фойдаланиш;

Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига ва халқаро шартномаларига мувофиқ хорижий юридик шахслар билан илмий ҳамда илмий-техник ҳамкорликни ва ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан келишган ҳолда республика минтақаларида филиаллар ташкил этиш;

қонун ҳужжатларига, Марказ фаолиятининг мақсадлари ва вазифаларига зид бўлмаган бошқа фаолият турларини амалга ошириш.

12. Марказ Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан келишган ҳолда кўрсатиладиган тиббий хизматлар, амалга ошириладиган ишларнинг барча турлари учун тарифлар ва баҳоларни мустақил равишда белгилашга ҳақлидир.

13. Марказ қуйидагиларга мажбур:

акушерлик ва гинекологик тиббий ёрдамга муҳтож бўлган беморларга замонавий, халқаро талаблардаги сифат ва стандартлар даражасида диагностика ва даволашни таъминлаш ва ривожлантириш;

аҳолига тасдиқланган тарифларга мувофиқ акушерлик ва гинекология бўйича юқори малакали ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш;

етакчи хорижий клиникаларда Марказ ходимларини мунтазам равишда тор ихтисос бўйича қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни амалга ошириш;

Марказ ходимлари учун меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашнинг қонун ҳужжатларида белгиланган шартларини кафолатлаш, техника хавфсизлигини, ижтимоий таъминотни ва аниқ манзилли ижтимоий ҳимоя қилишни таъминлаш;

ўз маблағлари ҳисобига Марказнинг моддий-техника базасини замонавий тиббиёт техникаси ва технологиялари билан мустаҳкамлаш ва ривожлантириш;

мол-мулкдан мақсадли фойдаланиш, унинг сақланишини таъминлаш;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бухгалтерия ҳисобини ва статистик ҳисобни ҳамда ҳисоботларни юритиш.

IV. Марказнинг мол-мулки

14. Марказнинг мол-мулки асосий фондлар, шунингдек бошқа моддий бойликлар ва молиявий ресурслардан иборат бўлади.

15. Марказ эгаллаб турган ер участкасига доимий фойдаланиш ҳуқуқлари билан эгалик қилади, фаолият мақсадларига мувофиқ ўз мол-мулкига эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади, шу билан бирга, бюджет маблағлари ва бюджетдан ташқари маблағлардан самарали фойдаланишни таъминлайди.

16. Марказ вақтинчалик фойдаланилмаётган хоналарини шартнома асоида ижарага бериш, ундан тушган маблағлардан Марказни ривожлантиришда фойдаланиш, шунингдек асбоб-ускуналар ва мол-мулкни қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ҳисобдан чиқариш ҳуқуқига эга.

V. Марказнинг тузилмаси ва уни бошқариш

17. Марказ таркибига бир сменада 240 нафар беморга хизмат кўрсатадиган консултация поликлиникаси ва 236 бемор ўрнига мўлжалланган стационар киради.

Марказ тузилмаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади. Зарурат бўлганда Марказ директори тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига Марказ тузилмасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича белгиланган тартибда таклифлар киритиш ҳуқуқига эга.

18. Марказ фаолиятига Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод қилинадиган директор раҳбарлик қилади.

Марказ директори:

ўз фаолиятини Марказ номидан амалга оширади, Марказнинг молия-хўжалик фаолиятига раҳбарлик қилади, Марказ номидан шартно-

малар тузади, Марказ фаолияти билан боғлиқ бўлган бошқа масалаларни ҳал этади;

Марказ ва унинг филиаллари ходимлари ишини ўз ваколатлари доирасида ташкил этади ва бошқаради, Марказ ходимлари бажариши мажбурий бўлган буйруқлар чиқаради, Марказ ходимларини қонун ҳужжатларига мувофиқ ишга қабул қилади ва ишдан бўшатади;

Марказ фаолияти учун жавоб беради.

19. Директор ўринбосарлари, Марказ филиаллари раҳбарлари Марказ директорининг тақдимномаси бўйича Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири томонидан лавозимга тайинланади ва эгаллаб турган лавозимидан озод этилади.

20. Марказ таркибида ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқиш учун Марказ Кенгаши ташкил этилади.

Марказ Кенгаши директор, унинг ўринбосарлари, Марказнинг етакчи мутахассислари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг вакилидан иборат таркибда 7 кишидан иборат бўлади.

Марказ Кенгаши тўғрисидаги Низом Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланади.

Кенгаш мажлислари ҳар чоракда ўтказилади, унинг қарорлари оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади ва протокол билан расмийлаштирилади.

21. Қуйидагилар Кенгашнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқиш, Марказ инвестиция ва илмий-техника сиёсатининг асосий йўналишларини белгилаш;

аҳолига пулли асосда кўрсатиладиган тиббий ёрдам турларига тарифларни белгиланган тартибда кўриб чиқиш;

Марказ ичидаги, шунингдек унинг филиалларидаги муносабатларни тартибга солувчи норматив ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш;

Марказ фаолиятининг самарадорлигини оширишга қаратилган тавсияларни ишлаб чиқиш.

Марказ Кенгаши мажлисида коллегиял қабул қилинган қарорлар Марказ директорининг буйруғи билан расмийлаштирилади.

22. Марказда Марказнинг етакчи илмий ходимларидан иборат бўлган Илмий кенгаш ташкил этилади.

Марказнинг Илмий кенгаши тўғрисидаги Низом ва унинг шахсий таркиби Марказ директори томонидан тасдиқланади.

Илмий кенгаш мажлислари ҳар ойда ўтказилади, унинг қарорлари оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади ва протокол билан расмийлаштирилади.

Қуйидагилар Илмий кенгашнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

тиббий ёрдам сифати ва самарадорлигини оширишга қаратилган илмий тавсияларни ишлаб чиқиш;

амалга оширилаётган илмий тадқиқотларнинг мақсадга мувофиқлиги ва ҳажмини аниқлаш;

илмий-тадқиқот ишлари режалаштирилиши ва бажарилишини ташкил этишга раҳбарлик қилиш.

23. Марказнинг ташкилий тузилмасига Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва унинг ташқарисида ташкил этиладиган филиаллар белгиланган тартибда кириши мумкин.

Филиаллар улар тўғрисидаги низомларга мувофиқ фаолият кўрсатади. Филиаллар тўғрисидаги низомлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тасдиқланади.

24. Аҳолига ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича Марказ фаолиятини назорат қилишни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги амалга оширади.

VI. Марказ фаолиятини молиялаштириш

25. Марказ ва унинг филиаллари фаолиятини молиялаштириш аралаш шаклда, шу жумладан:

Марказнинг ўз даромадлари;

Давлат бюджети маблағлари;

грантлар ва ҳомийлик ёрдами;

қонун ҳужжатларига зид бўлмаган тартибда жалб этилган бошқа маблағлар ҳисобига амалга оширилади.

26. Марказнинг ўз даромадлари:

аҳолига пулли асосда тиббий хизматлар кўрсатишдан;

Марказнинг илмий ва ўқув базасида бошқа тиббиёт муассасаларининг йўналишли мутахассисларини тайёрлашдан;

илмий-тадқиқот ишлари олиб боришдан;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалардан шаклланади.

27. Давлат бюджети маблағлари қўйидаги мақсадлар учун:

патологияли ҳомиладор аёлларга, 15 ёшгача бўлган болаларга мавжуд ўрин фонди ва поликлиника қабул қилиш қувватининг 20 фоизгача, шунингдек шошилиш тиббий ёрдамга муҳтож бўлган беморларга 10 фоизгача ҳажмда бепул асосда юқори малакали ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича Марказ харажатларини қоплаш учун;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлашни ривожлантириш давлат дастури ва ҳар йилги инвестиция дастурлари доирасида Марказни замонавий тиббиёт ускуналари ва техникаси билан жиҳозлаш учун;

Марказни мукамал реконструкция қилиш ва таъмирлаш учун;

илмий-тадқиқот фаолиятига грантлар шаклида ажратилади.

Бюджет маблағлари Марказга Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги орқали алоҳида сатрда, аҳолининг имтиёзли тоифаларига бепул асосда тиббий ёрдам кўрсатиш, Марказни ускуналар ва техника билан жиҳозлаш бўйича харажатлар тўловига, шунингдек бюджет маблағлари ҳисобига мукамал таъмирлашга эса — Ҳазначилик орқали ажратилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан Марказнинг

молиявий фаолияти мустаҳкамланишига ва унинг ўзини ўзи молиялаштириш ва ўз харажатларини қоплашга ўтишига қараб Давлат бюджети маблағларидан молиялаштириш ҳажми босқичма-босқич камайтирилиши мумкин.

28. Марказ ходимлари сони ва ходимларининг иш ҳақи миқдори Марказ директори томонидан мустақил равишда белгиланади, тиббиёт ходимларини моддий рағбатлантириш эса бажариладиган ишнинг мураккаблик даражаси, сифати ва ҳажмига қараб, белгиланган тартибда белгиланади.

29. Марказ ажратилган бюджет маблағлари ва ўз даромадлари доирасида мустақил равишда:

Марказ даромадлари ва харажатлари сметасини ишлаб чиқади ҳамда уни тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига тақдим этади;

Марказ ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни моддий рағбатлантириш тўғрисидаги низомни ишлаб чиқади ва тасдиқлайди;

штат жадвалини тасдиқлайди ҳамда базавий маошлардан келиб чиқиб Такомиллаштирилган тариф сеткаси бўйича тиббиёт ва фармацевтика ходимларига, бошқа ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича эса Ягона тариф сеткаси бўйича лавозим маошларини, шунингдек энг кўп миқдори чекланмайдиган устамаларни белгилайди.

30. Марказ хўжалик фаолиятдан олинadиган даромадларни мустақил равишда тасарруф этади. Марказнинг молия-хўжалик фаолияти натижасида олинган фойдаси тегишли солиқлар ва бюджетга бошқа мажбурий тўловлар тўлангандан кейин Марказнинг тасарруфида қолади ва белгиланган тартибда:

Марказнинг моддий-техника базасини янгилаш, модернизация қилиш ва кенгайтириш, замонавий тиббиёт техникаси, жихозлар, асбоб-ускуналар сотиб олиш;

Марказ ходимларини моддий рағбатлантириш;
айланма фондларни тўлдириш;

Марказ мутахассисларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг ма-лакасини ошириш;

маҳсулотлар ва хизматларни реклама қилиш;

Марказ фаолиятини таъминлаш билан боғлиқ бошқа мақсадлар учун фойдаланилади.

VII. Ҳисоб ва ҳисобот

31. Марказ қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини юритади, уни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига ва Давлат статистика қўмитасига тақдим этади, ҳужжатларнинг сақланиши ва уларнинг келишилган рўйхатга мувофиқ давлат томонидан сақлашга берилиши учун жавоб беради.

32. Марказнинг молия-хўжалик фаолиятини назорат қилиш ва текшириш соғлиқни сақлаш, солиқ ва молия органлари, бошқа давлат органлари

томонидан уларнинг ваколатлари доирасида, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда аудиторлик ташкилотлари билан тузилган шартномалар асосида аудиторлик ташкилотлари томонидан амалга оширилади.

VIII. Қайта ташкил этиш ва тугатиш

33. Марказни қайта ташкил этиш ва тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

**Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология
илмий-амалий тиббиёт маркази
ТУЗИЛМАСИ**



Вазирлар Маҳкамасининг
2009 йил 21 майдаги 145-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази тўғрисида
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази фаолиятини ташкил этиш ва молиялаштириш тартибини белгилайди.

Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази (кейинги ўринларда Марказ деб аталади) Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида» 2007 йил 19 сентябрдаги ПФ-3923-сон Фармони асосида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Педиатрия илмий-тадқиқот институти негизида педиатрия соҳасида даволаш-профилактика, илмий-тадқиқот ва методик фаолиятни амалга оширадиган ҳамда аҳолига юқори малакали ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатадиган ихтисослаштирилган мустақил тиббиёт муассасаси сифатида ташкил этилган.

2. Марказ давлат муассасаси шаклида ташкил этилади, юридик шахс ҳисобланади, мустақил балансга, банкларда ҳисоб рақамларига, Марказнинг номи тўлиқ кўрсатилган муҳрга эга бўлади.

Марказ педиатрия соҳасида ихтисослашиш турлари бўйича тиббиёт кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича клиник ўқув базаси ҳисобланади.

3. Марказ ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг буйруқлари ва фармойишларига, бошқа қонун ҳужжатларига ҳамда ушбу Низомга амал қилади.

4. Марказ фаолиятнинг барча соҳаларидаги ўз муносабатларини қонун ҳужжатлари доирасида, шунингдек Марказнинг мақсади ва фаолияти предметига мувофиқ юридик ва жисмоний шахслар билан белгиланган тартибда тузилган шартномалар асосида амалга оширади.

5. Марказнинг тўлиқ номи:

давлат тилида — Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази;

рус тилида — Республиканский специализированный научно-практический медицинский центр педиатрии.

6. Марказ куйидаги манзилда жойлашган: Тошкент шаҳри, Собир Рахимов тумани, Чимбой кўчаси, Талант тор кўчаси, 3-уй.

7. Марказ Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига бўйсунди.

II. Марказнинг мақсади, вазифалари ва функциялари

8. Куйидагилар Марказни ташкил этиш ва фаолиятининг мақсади ҳисобланади:

юқори сифатли ва халқаро стандартлар талаблари даражасида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишга даъват этилган юқори технологияли моддий ва илмий базани, шунингдек педиатрия мактабини шакллантириш;

аҳолининг педиатрияда диагностика, даволаш, профилактика ва реабилитация қилиш бўйича ихтисослаштирилган, юқори технологияли тиббий ёрдамга бўлган талабини қондириш.

9. Марказнинг асосий вазифалари:

а) куйидагиларга:

15 ёшгача бўлган болаларга — бепул асосда;

Ўзбекистон Республикаси фуқароларига (ушбу кичик банднинг иккинчи хатбошида кўрсатилган шахслардан ташқари), шунингдек хорижий фуқароларга ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга — пулли асосда педиатрия соҳасида юқори малакали ихтисослаштирилган, юқори технологияли тиббий ёрдам кўрсатиш;

б) тиббиёт техникаси ва аппаратларининг мавжуд паркани доимий равишда янгилаб бориш ва модернизация қилишни таъминлаш, Марказни педиатрия соҳасида илғор жаҳон ютуқлари даражасида, ихтисослаштирилган, юқори малакали ёрдам кўрсатиш имконини берадиган замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозлаш;

в) Марказ фаолиятини таъминлаш учун молиявий ва моддий-техник ресурсларни жалб этиш бўйича менежмент ва маркетинг ишларини ташкил этиш;

г) Марказ тиббиёт ходимларининг, шу жумладан мутахассисларнинг етакчи хорижий тиббиёт таълим муассасаларида ва клиникаларида педиатрия соҳасида диагностика ва даволашнинг замонавий методлари бўйича стажировкасини ташкил этиш ҳисобига доимий равишда касбий даражасини ошириш ва такомиллаштириш;

д) ўзининг педиатрияда профилактика, диагностика ва даволаш бўйича илғор методларини ишлаб чиқиш ва тиббий амалиётга жорий этишга йўналтирилган илмий тадқиқотларни амалга ошириш;

е) педиатрияда ўзининг патент олган даволаш ва диагностика методлари ва технологияларини доимий равишда такомиллаштириш ва уларнинг халқаро миқёсда эътироф этилишига эришиш;

ж) оналик ва болаликни муҳофаза қилиш соҳасидаги республика мақсадли дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда фаол қатнашиш;

з) педиатрия соҳасида етакчи хорижий тиббиёт муассасалари билан халқаро ҳамкорликни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, тўпланган тажрибалар, ахборотлар, шунингдек мутахассислар билан кенг алмашилишни таъминлаш.

10. Марказ ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ:

республика аҳолисининг педиатрияда диагностика, даволаш ва профилактиканинг жаҳондаги илғор ютуқлари даражасида энг самарали, мураккаб ва юқори технологияли методларига бўлган эҳтиёжини таъминлайди;

болалар касалликларининг энг кенг тарқалган турларини диагностика қилиш, даволаш ва профилактика қилишнинг илғор самарали методлари ва технологияларини ишлаб чиқади ва жорий этади;

республика минтақаларида вилоятларнинг болалар кўп тармоқли тиббиёт марказларига ташкилий-методик ва илмий-амалий ёрдам кўрсатади;

ўз йўналиши бўйича юқори малакали мутахассисларнинг ўз мактабини шакллантиради ва ривожлантиради;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига Марказнинг ихтисослашганлик йўналиши бўйича тиббиёт соҳасида илмий тадқиқотларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига доир таклифларни кўриб чиқиш учун киритади;

педиатрияда дори-дармонлар, тиббиёт воситалари, шунингдек диагностика ва даволаш методларининг клиник синовларини ўтказди;

хориждаги тиббиёт оламига ўзининг илмий ва технологик ютуқларини тақдим этади;

педиатрия бўйича ўзининг илмий, ўқув-методик ҳамда ахборот-маълумотнома материалларини тайёрлайди ва нашр қилади;

тиббиёт кадрларини, шу жумладан клиник ординатура, аспирантура ва докторантура орқали тайёрлаш, қайта тайёрлашни ва уларнинг малакасини оширишни амалга оширади.

III. Марказнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

11. Марказ белгиланган мақсадларга эришиш ва зиммасига юкланган вазифаларни бажариш учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ўзининг балансига берилган давлат мулкидан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш;

ривожланиш бизнес-режаларини, ўз бюджетини тузиш, уларнинг ҳажмларини, шакллантириш манбаларини, шунингдек сарфлаш йўналишларини белгилаш;

асосий воситаларни ижарага олиш ёки ижарага бериш, грантларни ва бошқа молиявий ёрдамни жалб этиш;

бюджетдан ажратиладиган маблағлар ва пулли тиббий хизматлар кўрсатишдан тушган даромадлар доирасида Марказ ходимлари меҳнатига ҳақ

тўлаш ҳамда уларни моддий рағбатлантириш миқдорларини мустақил равишда белгилаш;

педиатрия бўйича илмий тадқиқотлар ўтказишга давлат бюджетидан грантлар олиш учун танловларда қатнашиш;

ўз фаолиятини амалга ошириш жараёнида яратилган интеллектуал мулк объектларига муаллифлик ҳуқуқларини олиш ва улардан фойдаланиш;

Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига ва халқаро шартномаларига мувофиқ хорижий юридик шахслар билан илмий ҳамда илмий-техник ҳамкорликни ва ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан келишган ҳолда республика ҳудудларида филиаллар ташкил этиш;

қонун ҳужжатларига, Марказ фаолиятининг мақсадлари ва вазифаларига зид бўлмаган бошқа фаолият турларини амалга ошириш.

12. Марказ Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан келишган ҳолда, кўрсатиладиган тиббий хизматлар, амалга ошириладиган ишларнинг барча турлари учун тарифлар ва баҳоларни мустақил равишда белгилашга ҳақлидир.

13. Марказ қўйидагиларга мажбур:

ихтисослаштирилган педиатрия тиббий ёрдамига муҳтож бўлган беморларга замонавий халқаро талаблардаги сифат ва стандартлар даражасида диагностика ва даволашни таъминлаш ва ривожлантириш;

15 ёшгача бўлган болаларга бепул асосда юқори малакали, ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш;

етақчи хорижий клиникаларда Марказ ходимларини мунтазам равишда тор ихтисос бўйича қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни амалга ошириш;

Марказ ходимлари учун меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашнинг қонун ҳужжатларида белгиланган шартларини кафолатлаш, техника хавфсизлигини, ижтимоий таъминотни ва аниқ манзилли ижтимоий ҳимоя қилишни таъминлаш;

ўз маблағлари ҳисобига Марказнинг моддий-техника базасини замонавий тиббиёт техникаси ва технологиялари билан мустаҳкамлаш ва ривожлантириш;

мол-мулкдан мақсадли фойдаланиш, унинг сақланишини таъминлаш;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бухгалтерия ҳисобини ва статистик ҳисобни ҳамда ҳисоботларни юритиш.

IV. Марказнинг мол-мулки

14. Марказнинг мол-мулки асосий фондлар, шунингдек бошқа моддий бойликлар ва молиявий ресурслардан иборат бўлади.

15. Марказ эгаллаб турган ер участкасига доимий фойдаланиш ҳуқуқлари билан эгалик қилади, фаолият мақсадларига мувофиқ ўз мол-мулкига эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади, шу билан бирга,

бюджет маблағлари ва бюджетдан ташқари маблағлардан самарали фойдаланишни таъминлайди.

16. Марказ вақтинчалик фойдаланилмаётган хоналарини шартнома асоида ижарага бериш, ундан тушган маблағлардан Марказни ривожлантиришда фойдаланиш, шунингдек асбоб-ускуналар ва мол-мулкни қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ҳисобдан чиқариш ҳуқуқига эга.

V. Марказнинг тузилмаси ва уни бошқариш

17. Марказ таркибига бир сменада 200 нафар беморга хизмат кўрсатадиган консультация поликлиникаси ва 275 бемор ўрнига мўлжалланган стационар киради.

Марказ тузилмаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади. Зарурат бўлганда Марказ директори тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига Марказ тузилмасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича белгиланган тартибда таклифлар киритиш ҳуқуқига эга.

18. Марказ фаолиятига Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод қилинадиган директор раҳбарлик қилади.

Марказ директори:

ўз фаолиятини Марказ номидан амалга оширади, Марказнинг молия-хўжалик фаолиятига раҳбарлик қилади, Марказ номидан шартномалар тузади, Марказ фаолияти билан боғлиқ бўлган бошқа масалаларни ҳал этади;

Марказ ва унинг филиаллари ходимлари ишини ўз ваколатлари доирасида ташкил этади ва бошқаради, Марказ ходимлари бажариши мажбурий бўлган буйруқлар чиқаради, Марказ ходимларини қонун ҳужжатларига мувофиқ ишга қабул қилади ва ишдан бўшатади;

Марказ фаолияти учун жавоб беради.

19. Директор ўринбосарлари, Марказ филиаллари раҳбарлари Марказ директорининг тақдимномаси бўйича Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири томонидан лавозимга тайинланади ва эгаллаб турган лавозимдан озод этилади.

20. Марказ таркибда ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқиш учун Марказ Кенгаши ташкил этилади.

Марказ Кенгаши директор, унинг ўринбосарлари, Марказнинг етакчи мутахассислари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг вакилидан иборат таркибда 7 кишидан иборат бўлади.

Марказ Кенгаши тўғрисидаги Низом Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланади.

Кенгаш мажлислари ҳар чоракда ўтказилади, унинг қарорлари оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади ва протокол билан расмийлаштирилади.

21. Қўйидагилар Кенгашнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқиш, Марказ инвестиция ва илмий-техника сиёсатининг асосий йўналишларини белгилаш;

йиллик режалар ва молиявий ҳисоботларни кўриб чиқиш;

аҳолига пулли асосда кўрсатиладиган тиббий ёрдам турларига тарифларни белгиланган тартибда кўриб чиқиш;

Марказ ичидаги, шунингдек унинг филиалларидаги муносабатларни тартибга солувчи норматив ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш;

Марказ фаолиятининг самарадорлигини оширишга қаратилган тавсияларни ишлаб чиқиш.

Марказ Кенгаши мажлисида коллегиял қабул қилинган қарорлар Марказ директорининг буйруғи билан расмийлаштирилади.

22. Марказда Марказнинг етакчи илмий ходимларидан иборат бўлган Илмий кенгаш ташкил этилади.

Марказнинг Илмий кенгаши тўғрисидаги Низом ва унинг шахсий таркиби Марказ директори томонидан тасдиқланади.

Илмий кенгаш мажлислари ҳар ойда ўтказилади, унинг қарорлари оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади ва протокол билан расмийлаштирилади.

Қуйдагилар Илмий кенгашнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

тиббий ёрдам сифати ва самарадорлигини оширишга қаратилган илмий тавсияларни ишлаб чиқиш;

амалга оширилаётган илмий тадқиқотларнинг мақсадга мувофиқлиги ва ҳажмини аниқлаш;

илмий-тадқиқот ишлари режалаштирилиши ва бажарилишини ташкил этишга раҳбарлик қилиш.

23. Марказнинг ташкилий тузилмасига Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва унинг ташқарисида ташкил этиладиган филиаллар белгиланган тартибда кириши мумкин.

Филиаллар улар тўғрисидаги низомларга мувофиқ фаолият кўрсатади. Филиаллар тўғрисидаги низомлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тасдиқланади.

24. Аҳолига ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича Марказ фаолиятини назорат қилишни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги амалга оширади.

VI. Марказ фаолиятини молиялаштириш

25. Марказ ва унинг филиаллари фаолиятини молиялаштириш аралаш шаклда, шу жумладан:

Марказнинг ўз даромадлари;

Давлат бюджети маблағлари;

грантлар ва хомийлик ёрдами;

қонун ҳужжатларига зид бўлмаган тартибда жалб этилган бошқа маблағлар ҳисобига амалга оширилади.

26. Марказнинг ўз даромадлари:

аҳолига пулли асосда тиббий хизматлар кўрсатишдан;

Марказнинг илмий ва ўқув базасида бошқа тиббиёт муассасаларининг йўналишли мутахассисларини тайёрлашдан;

илмий-тадқиқот ишлари олиб боришдан;

конун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалардан шаклланади.

27. Давлат бюджети маблағлари қўйидаги мақсадлар учун:

15 ёшгача бўлган болаларга мавжуд ўрин фонди ва поликлиника қабул қилиш қувватига қараб бепул асосда юқори малакали ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича Марказ харажатларини қоплаш учун;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлашни ривожлантириш давлат дастури ва йиллик инвестиция дастурлари доирасида Марказни замонавий тиббиёт ускуналари ва техника билан жиҳозлаш учун;

Марказни мукамал реконструкция қилиш ва таъмирлаш учун;

илмий-тадқиқот фаолиятига грантлар шаклида ажратилади.

Бюджет маблағлари Марказга Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги орқали алоҳида сатрда, аҳолининг имтиёзли тоифаларига бепул асосда тиббий ёрдам кўрсатиш, Марказни ускуналар ва техника билан жиҳозлаш бўйича харажатлар тўловига, шунингдек бюджет маблағлари ҳисобига мукамал таъмирлашга эса — Ҳазначилик орқали ажратилади.

28. Марказ ходимлари сони ва ходимларининг иш ҳақи миқдори Марказ директори томонидан мустақил равишда белгиланади, ходимларни моддий рағбатлантириш эса бажариладиган ишнинг мураккаблиги даражаси, сифати ва ҳажмига қараб белгиланган тартибда белгиланади.

29. Марказ ажратилган бюджет маблағлари ва ўз даромадлари доирасида мустақил равишда:

Марказ даромадлари ва харажатлари сметасини ишлаб чиқади ҳамда уни тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига тақдим этади;

Марказ ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни моддий рағбатлантириш тўғрисидаги низомни ишлаб чиқади ва тасдиқлайди;

штат жадвалини тасдиқлайди ҳамда базавий маошлардан келиб чиқиб Такомиллаштирилган тариф сеткаси бўйича тиббиёт ва фармацевтика ходимларига, бошқа ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича эса Ягона тариф сеткаси бўйича, лавозим маошларини, шунингдек энг кўп миқдори чекланмайдиган устамаларни белгилайди.

30. Марказ хўжалик фаолиятидан олинadиган даромадларни мустақил равишда тасарруф қилади. Марказнинг молия-хўжалик фаолияти натижасида олинган фойдаси тегишли солиқлар ва бюджетга бошқа мажбурий тўловлар тўлангандан кейин Марказнинг тасарруфида қолади ва белгиланган тартибда:

Марказнинг моддий-техника базасини янгилаш, модернизация қилиш ва кенгайтириш, замонавий тиббиёт техникаси, жиҳозлар, асбоб-ускуналар сотиб олиш;

Марказ ходимларини моддий рағбатлантириш;

айланма фондларни тўлдириш;

Марказ мутахассисларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг ма-
лакасини ошириш;

маҳсулотлар ва хизматларни реклама қилиш;

Марказ фаолиятини таъминлаш билан боғлиқ бошқа мақсадлар учун
фойдаланилади.

VII. Ҳисоб ва ҳисобот

31. Марказ қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бухгалтерия
ҳисоби ва ҳисоботини юритади, уни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни
сақлаш вазирлигига ва Давлат статистика қўмитасига тақдим этади, ҳужжат-
ларнинг сақланиши ва уларнинг келишилган рўйхатга мувофиқ давлат то-
монидан сақлашга берилиши учун жавоб беради.

32. Марказнинг молия-хўжалик фаолиятини назорат қилиш ва текши-
риш соғлиқни сақлаш, солиқ ва молия органлари, бошқа давлат органлари
томонидан уларнинг ваколатлари доирасида, шунингдек қонун ҳужжатла-
рида назарда тутилган тартибда аудиторлик ташкилотлари билан тузилган
шартномалар асосида аудиторлик ташкилотлари томонидан амалга ошири-
лади.

VIII. Қайта ташкил этиш ва тугатиш

33. Марказни қайта ташкил этиш ва тугатиш қонун ҳужжатларида бел-
гиланган тартибда амалга оширилади.

Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий
тиббиёт маркази
ТУЗИЛМАСИ



Вазирлар Маҳкамасининг
2009 йил 21 майдаги 145-сон қарорига
3-ИЛОВА

**Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий
реабилитация илмий-амалий тиббиёт маркази тўғрисида
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт маркази фаолиятини ташкил этиш ва молиялаштириш тартибини белгилайди.

Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт маркази (кейинги ўринларда Марказ деб аталади) Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида» 2007 йил 19 сентябрдаги ПФ-3923-сон Фармони асосида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Терапия ва тиббий реабилитация илмий-тадқиқот институти ҳамда Гастроэнтерология илмий маркази негизида терапия ва тиббий реабилитация соҳасида даволаш-профилактика, илмий-тадқиқот ва методик фаолиятни амалга оширадиган ҳамда аҳолига юқори малакали ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатадиган ихтисослаштирилган мустақил тиббиёт муассасаси сифатида ташкил этилган.

2. Марказ давлат муассасаси шаклида ташкил этилади, юридик шахс ҳисобланади, мустақил балансга, банкларда ҳисоб рақамларига, Марказнинг номи тўлиқ кўрсатилган муҳрга эга бўлади.

Марказ терапия ва тиббий реабилитация соҳасида ихтисослашиш турлари бўйича тиббиёт кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича клиник ўқув базаси ҳисобланади.

3. Марказ ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг буйруқлари ва фармойишларига, бошқа қонун ҳужжатларига ҳамда ушбу Низомга амал қилади.

4. Марказ фаолиятнинг барча соҳаларидаги ўз муносабатларини қонун ҳужжатлари доирасида, шунингдек Марказнинг мақсади ва фаолияти предметиға мувофиқ юридик ва жисмоний шахслар билан белгиланган тартибда тузилган шартномалар асосида амалга оширади.

5. Марказнинг тўлиқ номи:

давлат тилида — Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт маркази;

рус тилида — Республиканский специализированный научно-практический медицинский центр терапии и медицинской реабилитации.

6. Марказ қуйидаги манзилда жойлашган: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Хуршид кўчаси, 4-уй.

7. Марказ Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига бўйсунди.

II. Марказнинг мақсади, вазифалари ва функциялари

8. Қуйидагилар Марказни ташкил этиш ва фаолиятининг мақсади ҳисобланади:

юқори сифатли ва халқаро стандартлар талаблари даражасида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишга даъват этилган юқори технологияли, моддий ва илмий базани, шунингдек терапия ва тиббий реабилитация мактабини шакллантириш;

аҳолининг ички касалликлар (терапия) ва тиббий реабилитация соҳасидаги диагностика, даволаш ва профилактика бўйича ихтисослаштирилган, юқори технологияли тиббий ёрдамга бўлган талабини қондириш.

9. Марказнинг асосий вазифалари:

а) қуйидагиларга:

давлат томонидан қўллаб-қувватлашга муҳтож бўлган, ушбу Низомга иловага мувофиқ имтиёзли тоифали шахсларга мавжуд ўринлар фонди ва поликлиника даволаш қувватининг катта ёшдагилар бўлимлари бўйича — 20 фоизгача, 15 ёшгача бўлган болалар бўлимлари бўйича — 100 фоизгача миқдорда бепул асосда;

Ўзбекистон Республикаси фуқароларига (ушбу кичик банднинг иккинчи хатбошида кўрсатилган шахслардан ташқари), шунингдек хорижий фуқароларга ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга — пулли асосда терапия ва тиббий реабилитация соҳасида юқори малакали, ихтисослаштирилган, юқори технологияли тиббий ёрдам кўрсатиш;

б) тиббиёт техникаси ва аппаратларининг мавжуд паркени доимий равишда янгилаб бориш ва модернизация қилишни таъминлаш, Марказни терапия ва тиббий реабилитация соҳасида илғор жаҳон ютуқлари даражасида, ички органлар касалланганда ихтисослаштирилган, юқори малакали ёрдам кўрсатиш ва реабилитация қилиш имконини берадиган замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозлаш;

в) Марказ фаолиятини таъминлаш учун молиявий ва моддий-техник ресурсларни жалб этиш бўйича менежмент ва маркетинг ишларини ташкил этиш;

г) Марказ тиббиёт ходимларининг, шу жумладан мутахассисларнинг етакчи хорижий тиббиёт таълим муассасаларида ва клиникаларида ички органлар касалликларини диагностика қилиш ва даволаш ҳамда уларни реабилитация қилишнинг замонавий методлари бўйича стажировкасини ташкил этиш ҳисобига доимий равишда касбий даражасини ошириш ва такомиллаштириш;

д) ўзининг ички касалликларни профилактика ва диагностика қилиш ҳамда даволаш бўйича илғор методларини ишлаб чиқиш ва тиббий амалиётга жорий этишга йўналтирилган илмий тадқиқотларни амалга ошириш;

е) терапия ва тиббий реабилитация соҳасида ўзининг патент олган даволаш ва диагностика методлари ва технологияларини доимий равишда такомиллаштириш ва уларнинг халқаро миқёсда эътироф этилишига эришиш;

ж) терапия ва тиббий реабилитация соҳасидаги республика мақсадли дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда фаол қатнашиш;

з) терапия соҳасида етакчи хорижий тиббиёт муассасалари билан халқаро ҳамкорликни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, тўпланган тажрибалар, ахборотлар, шунингдек мутахассислар билан кенг алмашилишни таъминлаш.

10. Марказ ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ:

республика аҳолисининг ички органлар касалликлари соҳасида диагностика, даволаш ва профилактика қилиш ҳамда уларни тиббий реабилитация қилишнинг жаҳондаги илғор ютуқлари даражасида энг самарали, мураккаб ва юқори технологияли методларига бўлган эҳтиёжини таъминлайди;

ички касалликларнинг энг кўп тарқалган турларини диагностика қилиш, даволаш ва профилактика қилиш ҳамда тиббий реабилитация қилишнинг илғор, самарали методлари ва технологияларини ишлаб чиқади ва жорий этади;

республика минтақаларида вилоятларнинг кўп тармоқли тиббиёт марказларига ташкилий-методик ва илмий-амалий ёрдам кўрсатади;

ўз йўналиши бўйича юқори малакали мутахассисларнинг ўз мактабини шакллантиради ва ривожлантиради;

зарурат бўлганда Шошилинич тиббий ёрдамга муҳтож бўлган беморларни шифохонага ётқизиш тўғрисидаги Низомга мувофиқ юқори малакали ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига Марказнинг ихтисослашганлик йўналиши бўйича тиббиёт соҳасида илмий тадқиқотларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига доир таклифларни кўриб чиқиш учун киритади;

доривор препаратларни, тиббий мақсадлардаги воситаларни, шунингдек терапияда диагностика, даволаш ва реабилитация қилиш методларини клиник синовдан ўтказади;

хориждаги тиббиёт оламига ўзининг илмий ва технологик ютуқларини тақдим этади;

ички касалликлар бўйича ўзининг илмий, ўқув-методик ҳамда ахборот-маълумотнома материалларини тайёрлайди ва нашр қилади;

тиббиёт кадрларини, шу жумладан клиник ординатура, аспирантура ва докторантура орқали тайёрлаш, қайта тайёрлашни ва уларнинг малакасини оширишни амалга оширади.

III. Марказнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

11. Марказ белгиланган мақсадларга эришиш ва зиммасига юкланган

вазифаларни бажариш учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Ўзининг балансига берилган давлат мулкидан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш;

ривожланиш бизнес-режаларини, ўз бюджетини тузиш, уларнинг ҳажмларини, шакллантириш манбаларини, шунингдек сарфлаш йўналишларини белгилаш;

асосий воситаларни ижарага олиш ёки ижарага бериш, грантларни ва бошқа молиявий ёрдамни жалб этиш;

бюджетдан ажратиладиган маблағлар ва пулли тиббий хизматлар кўрсатишдан тушган даромадлар доирасида Марказ ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ҳамда уларни моддий рағбатлантириш миқдорларини мустақил равишда белгилаш;

терапия ва тиббий реабилитация бўйича илмий тадқиқотлар ўтказишга давлат бюджетидан грантлар олиш учун танловларда қатнашиш;

ўз фаолиятини амалга ошириш жараёнида яратилган интеллектуал мулк объектларига муаллифлик ҳуқуқларини олиш ва улардан фойдаланиш;

Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига ва халқаро шартномаларига мувофиқ хорижий юридик шахслар билан илмий ҳамда илмий-техник ҳамкорликни ва ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан келишган ҳолда республика ҳудудларида филиаллар ташкил этиш;

қонун ҳужжатларига, Марказ фаолиятининг мақсади ва вазифаларига зид бўлмаган бошқа фаолият турларини амалга ошириш.

12. Марказ Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан келишган ҳолда кўрсатиладиган тиббий хизматлар, амалга ошириладиган ишларнинг барча турлари учун тарифлар ва баҳоларни мустақил равишда белгилашга ҳақлидир.

13. Марказ қуйидагиларга мажбур:

терапия ва тиббий реабилитация соҳасида тиббий ёрдамга муҳтож бўлган беморларга замонавий, халқаро талаблардаги сифат ва стандартлар даражасида диагностика ва даволашни таъминлаш ва ривожлантириш;

аҳолига тасдиқланган тарифларга мувофиқ юқори малакали ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш;

етақчи хорижий клиникаларда Марказ ходимларини мунтазам равишда тор ихтисос бўйича қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни амалга ошириш;

Марказ ходимлари учун меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашнинг қонун ҳужжатларида белгиланган шартларини, техника хавфсизлигини, ижтимоий таъминотни ва аниқ манзилли ижтимоий ҳимоя қилишни кафолатлаш;

ўз маблағлари ҳисобига Марказнинг моддий-техника базасини замонавий тиббиёт техникаси ва технологиялари билан мустаҳкамлаш ва ривожлантириш;

мол-мулкдан мақсадли фойдаланиш, унинг сақланишини таъминлаш;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бухгалтерия ҳисобини ва статистик ҳисобни ҳамда ҳисоботларни юритиш.

IV. Марказнинг мол-мулки

14. Марказнинг мол-мулки асосий фондлар, шунингдек бошқа моддий бойликлар ва молиявий ресурслардан иборат бўлади.

15. Марказ эгаллаб турган ер участкасига доимий фойдаланиш ҳуқуқлари билан эгалик қилади, фаолият мақсадларига мувофиқ ўз мол-мулкига эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади, шу билан бирга, бюджет маблағлари ва бюджетдан ташқари маблағлардан самарали фойдаланишни таъминлайди.

16. Марказ вақтинчалик фойдаланилмаётган хоналарини шартнома асосида ижарага бериш, ундан тушган маблағлардан Марказни ривожлантиришда фойдаланиш, шунингдек асбоб-ускуналар ва мол-мулкни қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ҳисобдан чиқариш ҳуқуқига эга.

V. Марказнинг тузилмаси ва уни бошқариш

17. Марказ таркибига бир сменада 150 нафар беморга хизмат кўрсатадиган консултация поликлиникаси ва 400 бемор ўрнига мўлжалланган стационар қиради.

Марказ тузилмаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади. Зарурат бўлганда Марказ директори тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига Марказ тузилмасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича белгиланган тартибда таклифлар киритиш ҳуқуқига эга.

18. Марказ фаолиятига Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод қилинадиган директор раҳбарлик қилади.

Марказ директори:

ўз фаолиятини Марказ номидан амалга оширади, Марказнинг молия-хўжалик фаолиятига раҳбарлик қилади, Марказ номидан шартномалар тузади, Марказ фаолияти билан боғлиқ бўлган бошқа масалаларни ҳал этади;

Марказ ва унинг филиаллари ходимлари ишини ўз ваколатлари доирасида ташкил этади ва бошқаради, Марказ ходимлари бажариши мажбурий бўлган буйруқлар чиқаради, Марказ ходимларини қонун ҳужжатларига мувофиқ ишга қабул қилади ва ишдан бўшатади;

Марказ фаолияти учун жавоб беради.

19. Директор ўринбосарлари, Марказ филиаллари раҳбарлари Марказ директорининг тақдимномаси бўйича Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири томонидан лавозимга тайинланади ва эгаллаб турган лавозимдан озод этилади.

20. Марказ таркибида ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқиш учун Марказ Кенгаши ташкил этилади.

Марказ Кенгаши директор, унинг ўринбосарлари, Марказнинг етакчи мутахассислари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг вакилидан иборат таркибда 7 кишидан иборат бўлади.

Марказ Кенгаши тўғрисидаги Низом Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланади.

Кенгаш мажлислари ҳар чоракда ўтказилади, унинг қарорлари оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади ва протокол билан расмийлаштирилади.

21. Қуйидагилар Кенгашнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқиш, Марказ инвестиция ва илмий-техника сиёсатининг асосий йўналишларини белгилаш;

аҳолига пулли асосда кўрсатиладиган тиббий ёрдам турларига тарифларни белгиланган тартибда кўриб чиқиш;

Марказ ичидаги, шунингдек унинг филиалларидаги муносабатларни тартибга солувчи норматив ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш.

Марказ фаолиятининг самарадорлигини оширишга қаратилган тавсияларни ишлаб чиқиш.

Марказ Кенгаши мажлисида коллегиял қабул қилинган қарорлар Марказ директорининг буйруғи билан расмийлаштирилади.

22. Марказда Марказнинг етакчи илмий ходимларидан иборат бўлган Илмий кенгаш ташкил этилади.

Марказнинг Илмий кенгаши тўғрисидаги Низом ва унинг шахсий таркиби Марказ директори томонидан тасдиқланади.

Илмий кенгаш мажлислари ҳар ойда ўтказилади, унинг қарорлари оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади ва протокол билан расмийлаштирилади.

Қуйидагилар Илмий кенгашнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

тиббий ёрдам сифати ва самарадорлигини оширишга қаратилган илмий тавсияларни ишлаб чиқиш;

амалга оширилаётган илмий тадқиқотларнинг мақсадга мувофиқлиги ва ҳажмини аниқлаш;

илмий-тадқиқот ишлари режалаштирилиши ва бажарилишини ташкил этишга раҳбарлик қилиш.

23. Марказнинг ташкилий тузилмасига Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва унинг ташқарисида ташкил этиладиган филиаллар белгиланган тартибда кириши мумкин.

Филиаллар улар тўғрисидаги низомларга мувофиқ фаолият кўрсатади. Филиаллар тўғрисидаги низомлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тасдиқланади.

24. Аҳолига ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича Марказ фаолиятини назорат қилишни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги амалга оширади.

VI. Марказ фаолиятини молиялаштириш

25. Марказ ва унинг филиаллари фаолиятини молиялаштириш аралаш шаклда, шу жумладан:

Марказнинг ўз даромадлари;

Давлат бюджети маблағлари;

грантлар ва ҳомийлик ёрдами;

қонун ҳужжатларига зид бўлмаган тартибда жалб этилган бошқа маблағлар ҳисобига амалга оширилади.

26. Марказнинг ўз даромадлари:

аҳолига пулли асосда тиббий хизматлар кўрсатишдан;

Марказнинг илмий ва ўқув базасида бошқа тиббиёт муассасаларининг йўналишли мутахассисларини тайёрлашдан;

илмий-тадқиқот ишлари олиб боришдан;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалардан шаклланади.

27. Давлат бюджети маблағлари қўйидаги мақсадлар учун:

мавжуд ўринлар фонди ва поликлиника қабул қилиш қувватининг ушбу Низомга иловада кўрсатилган имтиёзли тоифадаги шахсларга катта ёшдагилар бўлимлари бўйича — 20 фоизгача, болалар бўлимлари бўйича — 100 фоизгача, шунингдек шошилиш тиббий ёрдам кўрсатишга муҳтож бўлган беморларга — 2 фоизгача бепул асосда юқори малакали ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишга Марказ харажатларини қоплаш учун;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлашни ривожлантириш давлат дастури ва ҳар йилги инвестиция дастурлари доирасида Марказни замонавий тиббиёт ускуналари ва техника билан жиҳозлаш учун;

Марказни мукаммал реконструкция қилиш ва таъмирлаш учун;

илмий-тадқиқот фаолиятига грантлар тарзида ажратилади.

Бюджет маблағлари Марказга Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги орқали алоҳида сатрда, аҳолининг имтиёзли тоифаларига бепул асосда тиббий ёрдам кўрсатиш, Марказни ускуналар ва техника билан жиҳозлаш бўйича харажатлар тўловига, шунингдек бюджет маблағлари ҳисобига мукаммал таъмирлашга эса — Ҳазначилик орқали ажратилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан Марказнинг молиявий фаолияти мустаҳкамланишига ва унинг ўзини ўзи молиялаштириш ва ўз харажатларини ўзи қоплашга ўтишига қараб Давлат бюджети маблағларидан молиялаштириш ҳажми босқичма-босқич камайтирилиши мумкин.

28. Марказ ходимлари сони ва ходимларнинг иш ҳақи миқдори Марказ директори томонидан мустақил равишда белгиланади, тиббиёт ходимларини моддий рағбатлантириш эса бажариладиган ишнинг мураккаблик даражаси, сифати ва ҳажмига қараб белгиланган тартибда белгиланади.

29. Марказ ажратилган бюджет маблағлари ва ўз даромадлари доирасида мустақил равишда:

Марказ даромадлари ва харажатлари сметасини ишлаб чиқади ҳамда уни

тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига тақдим этади;

Марказ ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни моддий рағбатлантириш тўғрисидаги низомни ишлаб чиқади ва тасдиқлайди;

штат жадвалини тасдиқлайди ҳамда базавий маошлардан келиб чиқиб Такомиллаштирилган тариф сеткаси бўйича тиббиёт ва фармацевтика ходимларига, бошқа ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича эса Ягона тариф сеткаси бўйича лавозим маошларини, шунингдек энг кўп миқдори чекланмайдиган устамаларни белгилайди.

30. Марказ хўжалик фаолиятдан олинмаган даромадларни мустақил равишда тасарруф этади. Марказнинг молия-хўжалик фаолияти натижасида олинган фойдаси тегишли солиқлар ва бюджетга бошқа мажбурий тўловлар тўлангандан кейин Марказнинг тасарруфида қолади ва белгиланган тартибда:

Марказнинг моддий-техника базасини янгилаш, модернизация қилиш ва кенгайтириш, замонавий тиббиёт техникаси, жиҳозлар, асбоб-ускуналар сотиб олиш;

Марказ ходимларини моддий рағбатлантириш;

айланма фондларни тўлдириш;

Марказ мутахассисларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг ма-лакасини ошириш;

махсулотлар ва хизматларни реклама қилиш;

Марказ фаолиятини таъминлаш билан боғлиқ бошқа мақсадлар учун фойдаланилади.

VII. Ҳисоб ва ҳисобот

31. Марказ қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини юритади, уни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига ва Давлат статистика қўмитасига тақдим этади, ҳужжатларнинг сақланиши ва уларнинг келишилган рўйхатга мувофиқ давлат томонидан сақлашга берилиши учун жавоб беради.

32. Марказнинг молия-хўжалик фаолиятини назорат қилиш ва текшириш соғлиқни сақлаш, солиқ ва молия органлари, бошқа давлат органлари томонидан уларнинг ваколатлари доирасида, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда аудиторлик ташкилотлари билан тузилган шартномалар асосида аудиторлик ташкилотлари томонидан амалга оширилади.

VIII. Қайта ташкил этиш ва тугатиш


33. Марказни қайта ташкил этиш ва тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт маркази тўғрисидаги низомга
ИЛОВА

**Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт маркази томонидан
Давлат бюджети маблағлари ҳисобига тиббий ёрдам кўрсатиладиган имтиёзли тоифадаги шахслар
РЎЙХАТИ**

1. 15 ёшгача бўлган болалар.
2. Фирт етимлар.
3. I ва II гуруҳ ногиронлар.
4. Болаликдан ногиронлар.
5. 1941 — 1945 йиллардаги уруш ногиронлари ва қатнашчилари, шунингдек уларга тенглаштирилган шахслар.
6. 1941 — 1945 йиллардаги уруш даврида меҳнат fronti қатнашчилари.
7. Ёшига кўра ишламаётган пенсионерлар.
8. Чернобиль АЭСдаги аварияни бартараф этишда қатнашган шахслардан ногиронлар.
9. Байналмилал жангчилар.
10. 15 — 17 ёшдаги ўсмирларни ва чақирув комиссиялари йўлланмалари бўйича чақириқ ёшидаги (18 — 27 яшар) шахсларни текшириш ва даволаш.
11. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан нафақа олишадиган кам таъминланган оилалардаги шахслар.

**Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий
реабилитация илмий-амалий тиббиёт маркази
ТУЗИЛМАСИ**



Вазирлар Маҳкамасининг
2009 йил 21 майдаги 145-сон қарорига
4-ИЛОВА

**Республика ихтисослаштирилган дерматология ва
венерология илмий-амалий тиббиёт маркази тўғрисида
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Республика ихтисослаштирилган дерматология ва венерология илмий-амалий тиббиёт маркази фаолиятини ташкил этиш ва молиялаштириш тартибини белгилайди.

Республика ихтисослаштирилган дерматология ва венерология илмий-амалий тиббиёт маркази (кейинги ўринларда Марказ деб аталади) Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида» 2007 йил 19 сентябрдаги ПФ-3923-сон Фармони асосида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Дерматология ва венерология илмий-тадқиқот институти негизида дерматология ва венерология соҳасида даволаш-профилактика, илмий-тадқиқот ва методик фаолиятни амалга оширадиган ҳамда аҳолига юқори малакали ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатадиган ихтисослаштирилган мустақил тиббиёт муассасаси сифатида ташкил этилган.

2. Марказ давлат муассасаси шаклида ташкил этилади, юридик шахс ҳисобланади, мустақил балансга, банкларда ҳисоб рақамларига, Марказнинг номи тўлиқ кўрсатилган муҳрга эга бўлади.

Марказ дерматология ва венерология соҳасида ихтисослашиш турлари бўйича тиббиёт кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича клиник ўқув базаси ҳисобланади.

3. Марказ ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг буйруқларига ва фармойишларига, бошқа қонун ҳужжатларига ҳамда ушбу Низомга амал қилади.

4. Марказ фаолиятнинг барча соҳаларидаги ўз муносабатларини қонун ҳужжатлари доирасида, шунингдек Марказнинг мақсади ва фаолияти предметига мувофиқ юридик ва жисмоний шахслар билан белгиланган тартибда тузилган шартномалар асосида амалга оширади.

5. Марказнинг тўлиқ номи:

давлат тилида — Республика ихтисослаштирилган дерматология ва венерология илмий-амалий тиббиёт маркази;

рус тилида — Республиканский специализированный научно-практический медицинский центр дерматологии и венерологии.

6. Марказ қуйидаги манзилда жойлашган: Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, Форобий кўчаси, 3-уй.

7. Марказ Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига бўйсунади.

II. Марказнинг мақсади, вазифалари ва функциялари

8. Қуйидагилар Марказни ташкил этиш ва фаолиятининг мақсади ҳисобланади:

юқори сифатли ва халқаро стандартлар талаблари даражасида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишга даъват этилган юқори технологияли моддий ва илмий базани, шунингдек дерматовенерология мактабини шакллантириш;

аҳолининг дерматология ва венерология соҳасидаги диагностика, даволаш ва профилактика бўйича ихтисослаштирилган, юқори технологияли тиббий ёрдамга бўлган талабини қондириш.

9. Марказнинг асосий вазифалари:

а) дерматология ва венерология соҳасида:

жинсий йўллар орқали ўтадиган касалликларга дучор бўлган шахсларга ҳамда ушбу Низомга иловага мувофиқ давлат томонидан қўллаб-қувватлашга муҳтож бўлган имтиёзли тоифадаги шахсларга мавжуд ўринлар фонди ва поликлиника даволаш қувватининг 30 фоизигача миқдорда — бепул асосда;

Ўзбекистон Республикаси фуқароларига (ушбу кичик банднинг иккинчи хатбошида кўрсатилган шахслардан ташқари), шунингдек хорижий фуқароларга ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга — пулли асосда юқори малакали ихтисослаштирилган, юқори технологияли тиббий ёрдам кўрсатиш;

б) тиббиёт техникаси ва аппаратларининг мавжуд паркени доимий равишда янгилаб бориш ва модернизация қилишни таъминлаш, Марказни дерматология ва венерология соҳасида илғор жаҳон ютуқлари даражасида, ихтисослаштирилган, юқори малакали ёрдам кўрсатиш имконини берадиган замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозлаш;

в) Марказ фаолиятини таъминлаш учун аралаш молиялаштириш шартларида молиявий ва моддий-техник ресурсларни жалб этиш бўйича менежмент ва маркетинг ишларини ташкил этиш;

г) Марказ тиббиёт ходимларининг, шу жумладан мутахассисларнинг етакчи хорижий тиббиёт таълим муассасаларида ва клиникаларида дерматология ва венерология соҳасида диагностика ва даволашнинг замонавий методлари бўйича стажировкасини ташкил этиш ҳисобига доимий равишда касбий даражасини ошириш ва такомиллаштириш;

д) ўзининг дерматология ва венерология соҳасида профилактика, диагностика ва даволаш бўйича илғор методлари ва технологияларини ишлаб чиқиш ва тиббий амалиётга жорий этишга йўналтирилган илмий тадқиқотларни амалга ошириш;

е) дерматология ва венерология соҳасида ўзининг патент олган даволаш ва диагностика методлари ва технологияларини доимий равишда такомиллаштириш ва уларнинг халқаро миқёсда эътироф этилишига эришиш;

ж) тиббиёт соҳасида республика мақсадли дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда фаол қатнашиш;

з) дерматология ва венерология соҳасида етакчи хорижий тиббиёт муассасалари билан халқаро ҳамкорликни кенгайтириш ва мустақамлаш, тўпланган тажрибалар, ахборотлар, шунингдек мутахассислар билан кенг алмашилишни таъминлаш.

10. Марказ ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ:

республика аҳолисининг дерматология ва венерология соҳасида диагностика, даволаш ва профилактиканинг жаҳондаги илғор ютуқлари даражасида энг самарали, мураккаб ва юқори технологияли методларига бўлган эҳтиёжини таъминлайди;

дерматовенерология касалликларининг энг кенг тарқалган турларини диагностика қилиш, даволаш ва профилактика қилишнинг илғор, самарали методлари ва технологияларини ишлаб чиқади ва жорий этади;

республика минтақаларида вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар дерматовенерология диспансерларига ташкилий-методик ва илмий-амалий ёрдам кўрсатади;

ўз йўналиши бўйича юқори малакали мутахассисларнинг ўз мактабини шакллантиради ва ривожлантиради;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига Марказнинг ихтисослашганлик йўналиши бўйича тиббиёт соҳасида илмий тадқиқотларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига доир таклифларни кўриб чиқиш учун киритади;

дерматология ва венерология соҳасидаги дори-дармонлар, тиббиёт воситалари, шунингдек диагностика ва даволаш методларининг клиник синовларини ўтказиши;

хориждаги тиббиёт оламига ўзининг илмий ва технологик ютуқларини тақдим этади;

дерматология ва венерология бўйича ўзининг илмий, ўқув-методик ҳамда ахборот-маълумотнома материалларини тайёрлайди ва нашр қилади;

тиббиёт кадрларини, шу жумладан клиник ординатура, аспирантура ва докторантура орқали тайёрлаш, қайта тайёрлашни ва уларнинг малакасини оширишни амалга оширади.

III. Марказнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

11. Марказ белгиланган мақсадларга эришиш ва зиммасига юкланган вазифаларни бажариш учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қўйидаги ҳуқуқларга эга:

ўзининг балансига берилган давлат мулкидан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш;

ривожланиш бизнес-режаларини, ўз бюджетини тузиш, уларнинг ҳажм-

ларини, шакллантириш манбаларини, шунингдек сарфлаш йўналишларини белгилаш;

Марказ соҳаси бўйича пулли асосда аҳолига юқори малакали, ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш;

асосий воситаларни ижарага олиш ёки ижарага бериш, грантларни ва бошқа молиявий ёрдамни жалб этиш;

бюджетдан ажратиладиган маблағлар ва пулли тиббий хизматлар кўрсатишдан тушган даромадлар доирасида Марказ ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ҳамда уларни моддий рағбатлантириш миқдорларини мустақил равишда белгилаш;

дерматология ва венерология бўйича илмий тадқиқотлар ўтказишга давлат бюджетидан грантлар олиш учун танловларда қатнашиш;

ўз фаолиятини амалга ошириш жараёнида яратилган интеллектуал мулк объектларига муаллифлик ҳуқуқларини олиш ва улардан фойдаланиш;

Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига ва халқаро шартномаларига мувофиқ хорижий юридик шахслар билан илмий ҳамда илмий-техник ҳамкорликни ва ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан келишган ҳолда республика минтақаларида филиаллар ташкил этиш;

қонун ҳужжатларига, Марказ фаолиятининг мақсади ва вазифаларига зид бўлмаган бошқа фаолият турларини амалга ошириш.

12. Марказ Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан келишган ҳолда кўрсатиладиган тиббий хизматлар, амалга ошириладиган ишларнинг барча турлари учун тарифлар ва баҳоларни мустақил равишда белгилашга ҳақлидир.

13. Марказ қуйидагиларга мажбур:

ихтисослаштирилган дерматология ва венерология бўйича тиббий ёрдамга муҳтож бўлган беморларга замонавий, халқаро талаблардаги сифат ва стандартлар даражасида диагностика ва даволашни таъминлаш ва ривожлантириш;

аҳолига тасдиқланган тарифларга мувофиқ дерматология ва венерология бўйича юқори малакали ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш;

етакчи хорижий клиникаларда Марказ ходимларини мунтазам равишда тор ихтисос бўйича қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни амалга ошириш;

Марказ ходимлари учун меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашнинг қонун ҳужжатларида белгиланган шартларини, техника хавфсизлигини, ижтимоий таъминотни ва аниқ манзилли ижтимоий ҳимоя қилишни кафолатлаш;

ўз маблағлари ҳисобига Марказнинг моддий-техника базасини замонавий тиббиёт техникаси ва технологиялари билан мустаҳкамлаш ва ривожлантириш;

мол-мулкдан мақсадли фойдаланиш, унинг сақланишини таъминлаш;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бухгалтерия ҳисобини ва статистик ҳисобни ҳамда ҳисоботларни юритиш.

IV. Марказнинг мол-мулки

14. Марказнинг мол-мулки асосий фондлар, шунингдек бошқа моддий бойликлар ва молиявий ресурслардан иборат бўлади.

15. Марказ эгаллаб турган ер участкасига доимий фойдаланиш ҳуқуқлари билан эгалик қилади, фаолият мақсадларига мувофиқ ўз мол-мулкига эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади, шу билан бирга, бюджет маблағлари ва бюджетдан ташқари маблағлардан самарали фойдаланишни таъминлайди.

16. Марказ вақтинчалик фойдаланилмаётган хоналарини шартнома асо-сида ижарага бериш, ундан тушган маблағлардан Марказни ривожлантиришда фойдаланиш, шунингдек асбоб-ускуналар ва мол-мулкни қонун ҳужжатла-рида назарда тутилган тартибда ҳисобдан чиқариш ҳуқуқига эга.

V. Марказнинг тузилмаси ва уни бошқариш

17. Марказ таркибига бир сменада 70 нафар беморга хизмат кўрсатади-ган консултация поликлиникаси ва 160 бемор ўрнига мўлжалланган стаци-онар киради.

Марказ тузилмаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси то-монидан тасдиқланади.

Зарурат бўлганда Марказ директори тасдиқлаш учун Ўзбекистон Рес-публикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига Марказ тузилмасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича белгиланган тартибда таклифлар киритиш ҳуқуқига эга.

18. Марказ фаолиятига Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод қилинади-ган директор раҳбарлик қилади.

Марказ директори:

ўз фаолиятини Марказ номидан амалга оширади, Марказнинг молия-хўжалик фаолиятига раҳбарлик қилади, Марказ номидан шартномалар ту-зади, Марказ фаолияти билан боғлиқ бўлган бошқа масалаларни ҳал этади;

Марказ ва унинг филиаллари ходимлари ишини ўз ваколатлари доира-сида ташкил этади ва бошқаради, Марказ ходимлари бажариши мажбурий бўлган буйруқлар чиқаради, Марказ ходимларини қонун ҳужжатларига мувофиқ ишга қабул қилади ва ишдан бўшатади;

Марказ фаолияти учун жавоб беради.

19. Директор ўринбосарлари, Марказ филиаллари раҳбарлари Марказ директорининг тақдимномаси бўйича Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири томонидан лавозимга тайинланади ва эгаллаб турган лавози-мидан озод этилади.

20. Марказ таркибида ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқиш учун Марказ Кенгаши ташкил этилади.

Марказ Кенгаши директор, унинг ўринбосарлари, Марказнинг етакчи

мутахассислари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг вакилидан иборат таркибда 7 кишидан иборат бўлади.

Марказ Кенгаши тўғрисидаги Низом Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланади.

Кенгаш мажлислари ҳар чоракда ўтказилади, унинг қарорлари оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади ва протокол билан расмийлаштирилади.

21. Қўйидагилар Кенгашнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқиш, Марказ инвестиция ва илмий-техника сиёсатининг асосий йўналишларини белгилаш;

аҳолига пулли асосда кўрсатиладиган тиббий ёрдам турларига тарифларни белгиланган тартибда кўриб чиқиш;

Марказ ичидаги, шунингдек унинг филиалларидаги муносабатларни тартибга солувчи норматив ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш.

Марказ фаолиятининг самарадорлигини оширишга қаратилган тавсияларни ишлаб чиқиш.

Марказ Кенгаши мажлисида коллегиал қабул қилинган қарорлар Марказ директорининг буйруғи билан расмийлаштирилади.

22. Марказда Марказнинг етакчи илмий ходимларидан иборат бўлган Илмий кенгаш ташкил этилади.

Марказнинг Илмий кенгаши тўғрисидаги Низом ва унинг шахсий таркиби Марказ директори томонидан тасдиқланади.

Илмий кенгаш мажлислари ҳар ойда ўтказилади, унинг қарорлари оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади ва протокол билан расмийлаштирилади.

Қўйидагилар Илмий кенгашнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

тиббий ёрдам сифати ва самарадорлигини оширишга қаратилган илмий тавсияларни ишлаб чиқиш;

амалга оширилаётган илмий тадқиқотларнинг мақсадга мувофиқлиги ва ҳажмини аниқлаш;

илмий-тадқиқот ишлари режалаштирилиши ва бажарилишини ташкил этишга раҳбарлик қилиш.

23. Марказнинг ташкилий тузилмасига Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва унинг ташқарисида ташкил этиладиган филиаллар белгиланган тартибда кириши мумкин.

Филиаллар улар тўғрисидаги низомларга мувофиқ фаолият кўрсатади. Филиаллар тўғрисидаги низомлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тасдиқланади.

24. Аҳолига ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича Марказ фаолиятини назорат қилишни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги амалга оширади.

VI. Марказ фаолиятини молиялаштириш

25. Марказ ва унинг филиаллари фаолиятини молиялаштириш аралаш шаклда, шу жумладан:

Марказнинг ўз даромадлари;
Давлат бюджети маблағлари;
грантлар ва ҳомийлик ёрдами;
конун ҳужжатларига зид бўлмаган тартибда жалб этилган бошқа маблағлар ҳисобига амалга оширилади.

26. Марказнинг ўз даромадлари:

аҳолига пулли асосда тиббий хизматлар кўрсатишдан;

Марказнинг илмий ва ўқув базасида бошқа тиббиёт муассасаларининг йўналишли мутахассисларини тайёрлашдан;

илмий-тадқиқот ишлари олиб боришдан;

конун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалардан шаклланади.

27. Давлат бюджети маблағлари қўйидаги мақсадлар учун:

ушбу Низомга иловада кўрсатилган имтиёзли тоифадаги шахсларга ва жинсий йўллар орқали ўтадиган инфекциялар билан касалланган шахсларга мавжуд ўрин фонди ва поликлиника қабул қилиш қувватининг 30 фоизигача ҳажмда бепул асосда юқори малакали ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича Марказ харажатларини қоплаш учун;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлашни ривожлантириш Давлат дастури ва йиллик инвестиция дастурлари доирасида Марказни замонавий тиббиёт ускуналари ва техника билан жиҳозлаш учун;

Марказни мукамал реконструкция қилиш ва таъмирлаш учун;

илмий-тадқиқот фаолиятига грантлар шаклида ажратилади.

Бюджет маблағлари Марказга Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги орқали алоҳида сатрда, аҳолининг имтиёзли тоифаларига бепул асосда тиббий ёрдам кўрсатиш, Марказни ускуналар ва техника билан жиҳозлаш бўйича харажатлар тўловига, шунингдек бюджет маблағлари ҳисобига мукамал таъмирлашга эса — Ҳазначилик орқали ажратилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан Марказнинг молиявий фаолияти мустаҳкамланишига ва унинг ўзини ўзи молиялаштириш ва ўз харажатларини ўзи қоплашга ўтишига қараб Давлат бюджети маблағларидан молиялаштириш ҳажми босқичма-босқич камайтирилиши мумкин.

28. Марказ ходимлари сони ва ходимларнинг иш ҳақи миқдори Марказ директори томонидан мустақил равишда белгиланади, тиббиёт ходимларини моддий рағбатлантириш эса бажариладиган ишнинг мураккаблик даражаси, сифати ва ҳажмига қараб белгиланган тартибда белгиланади.

29. Марказ ажратилган бюджет маблағлари ва ўз даромадлари доирасида мустақил равишда:

Марказ даромадлари ва харажатлари сметасини ишлаб чиқади ҳамда уни тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига тақдим этади;

Марказ ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни моддий рағбатлантириш тўғрисидаги низомни ишлаб чиқади ва тасдиқлайди;

штат жадвалини тасдиқлайди ҳамда базавий маошлардан келиб чиқиб Такомиллаштирилган тариф сеткаси бўйича тиббиёт ва фармацевтика хо-

димларига, бошқа ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича эса Ягона тариф сеткаси бўйича, лавозим маошларини, шунингдек энг кўп миқдори чекланмайдиган устамаларни белгилайди.

30. Марказ хўжалик фаолиятдан олинадиган даромадларни мустақил равишда тасарруф этади. Марказнинг молия-хўжалик фаолияти натижасида олинган фойдаси тегишли солиқлар ва бюджетга бошқа мажбурий тўловлар тўлангандан кейин Марказнинг тасарруфида қолади ва белгиланган тартибда:

Марказнинг моддий-техника базасини янгилаш, модернизация қилиш ва кенгайтириш, замонавий тиббиёт техникаси, жиҳозлар, асбоб-ускуналар сотиб олиш;

Марказ ходимларини моддий рағбатлантириш;

айланма фондларни тўлдириш;

Марказ мутахассисларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг ма-лакасини ошириш;

маҳсулотлар ва хизматларни реклама қилиш;

Марказ фаолиятини таъминлаш билан боғлиқ бошқа мақсадлар учун фойдаланилади.

VII. Ҳисоб ва ҳисобот

31. Марказ қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини юритади, уни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига ва Давлат статистика қўмитасига тақдим этади, ҳужжатларнинг сақланиши ва уларнинг келишилган рўйхатга мувофиқ давлат томонидан сақлашга берилиши учун жавоб беради.

32. Марказнинг молия-хўжалик фаолиятини назорат қилиш ва текшириш соғлиқни сақлаш, солиқ ва молия органлари, бошқа давлат органлари томонидан уларнинг ваколатлари доирасида, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда аудиторлик ташкилотлари билан тузилган шартномалар асосида аудиторлик ташкилотлари томонидан амалга оширилади.

VIII. Қайта ташкил этиш ва тугатиш

33. Марказни қайта ташкил этиш ва тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Республика ихтисослаштирилган дерматология ва венерология илмий-амалий тиббиёт маркази тўғрисидаги низомга
ИЛОВА

Республика ихтисослаштирилган дерматология ва венерология илмий-амалий тиббиёт маркази томонидан Давлат бюджети маблағлари ҳисобига тиббий ёрдам кўрсатиладиган имтиёзли тоифадаги шахслар РЎЙХАТИ

1. 15 ёшгача бўлган болалар.
2. Фирт етимлар.
3. I ва II гуруҳ ногиронлар.
4. Болаликдан ногиронлар.
5. 1941 — 1945 йиллардаги уруш ногиронлари ва қатнашчилари, шунингдек уларга тенглаштирилган шахслар.
6. 1941 — 1945 йиллардаги уруш даврида меҳнат fronti қатнашчилари.
7. Ёшига кўра ишламаётган пенсионерлар.
8. Чернобиль АЭСдаги аварияни бартараф этишда қатнашган шахслардан ногиронлар.
9. Байналмилал жангчилар.
10. 15 — 17 ёшдаги ўсмирларни ва чақирув комиссиялари йўлланмалари бўйича чақириқ ёшидаги (18 — 27 яшар) шахсларни текшириш ва даволаш.
11. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан нафақа олишадиган кам таъминланган оилалардаги шахслар.

**Республика ихтисослаштирилган дерматология и венерология
илмий-амалий тиббиёт марказининг
ТУЗИЛМАСИ**



Вазирлар Маҳкамасининг
2009 йил 21 майдаги 145-сон қарорига
5-ИЛОВА

**Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва
пульмонология илмий-амалий тиббиёт маркази тўғрисида
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт маркази фаолиятини ташкил этиш ва молиялаштириш тартибини белгилайди.

Ш. Алимов номидаги Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт маркази (кейинги ўринларда Марказ деб аталади) Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида» 2007 йил 19 сентябрдаги ПФ-3923-сон Фармони асосида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Фтизиатрия ва пульмонология илмий-тадқиқот институти негизида фтизиатрия ва пульмонология соҳасида даволаш-профилактика, илмий-тадқиқот ва методик фаолиятни амалга оширадиган ҳамда аҳолига юқори малакали ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатадиган ихтисослаштирилган мустақил тиббиёт муассасаси сифатида ташкил этилган.

2. Марказ давлат муассасаси шаклида ташкил этилади, юридик шахс ҳисобланади, мустақил балансга, банкларда ҳисоб рақамларига, Марказнинг номи тўлиқ кўрсатилган муҳрга эга бўлади.

Марказ фтизиатрия ва пульмонология соҳасида ихтисослашиш турлари бўйича тиббиёт кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича клиник ўқув базаси ҳисобланади.

3. Марказ ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг буйруқлари ва фармойишларига, бошқа қонун ҳужжатларига ҳамда ушбу Низомга амал қилади.

4. Марказ фаолиятнинг барча соҳаларидаги ўз муносабатларини қонун ҳужжатлари доирасида, шунингдек Марказнинг мақсади ва фаолияти предметига мувофиқ юридик ва жисмоний шахслар билан белгиланган тартибда тузилган шартномалар асосида амалга оширади.

5. Марказнинг тўлиқ номи:

давлат тилида — Ш. Алимов номидаги Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт маркази:

рус тилида — Республиканский специализированный научно-практический медицинский центр фтизиатрии и пульмонологии имени Ш. Алимова.

6. Марказ қўйидаги манзилда жойлашган: Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Алимов кўчаси, 1-уй.

7. Марказ Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига бўйсунди.

II. Марказнинг мақсади, вазифалари ва функциялари

8. Қўйидагилар Марказни ташкил этиш ва фаолиятининг мақсади ҳисобланади:

юқори сифатли ва халқаро стандартлар талаблари даражасида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишга даъват этилган юқори технологияли моддий ва илмий базани, шунингдек фтизиопульмонология мактабини шакллантириш;

аҳолининг фтизиатрия ва пульмонология соҳасидаги диагностика, даволаш ва профилактика бўйича ихтисослаштирилган, юқори технологияли тиббий ёрдамга бўлган талабини қондириш.

9. Марказнинг асосий вазифалари:

а) фтизиатрия ва пульмонология соҳасида:

сил касали билан касалланган шахсларга, шунингдек пульмонология касалликлари бўлган беморларга — бепул асосда;

Ўзбекистон Республикаси фуқароларига (ушбу кичик банднинг иккинчи хатбошида кўрсатилган шахслардан ташқари), шунингдек хорижий фуқароларга ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга — пулли асосда юқори малакали ихтисослаштирилган, юқори технологияли тиббий ёрдам кўрсатиш;

б) тиббиёт техникаси ва аппаратларининг мавжуд паркани доимий равишда янгилаб бориш ва модернизация қилишни таъминлаш, Марказни фтизиатрия ва пульмонология соҳасида илғор жаҳон ютуқлари даражасида, ихтисослаштирилган, юқори малакали ёрдам кўрсатиш имконини берадиган замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозлаш;

в) Марказ фаолиятини таъминлаш учун аралаш молиялаштириш шартларида молиявий ва моддий-техник ресурсларни жалб этиш бўйича менежмент ва маркетинг ишларини ташкил этиш;

г) Марказ тиббиёт ходимларининг, шу жумладан мутахассисларнинг етакчи хорижий тиббиёт таълим муассасаларида ва клиникаларида фтизиатрия ва пульмонология соҳасида диагностика ва даволашнинг замонавий методлари бўйича стажировкасини ташкил этиш ҳисобига доимий равишда касбий даражасини ошириш ва такомиллаштириш;

д) ўзининг фтизиатрия ва пульмонология соҳасида профилактика, диагностика ва даволаш бўйича илғор методлари ва технологияларини ишлаб чиқиш ва тиббий амалиётга жорий этишга йўналтирилган илмий тадқиқотларни амалга ошириш;

е) фтизиатрия ва пульмонология соҳасида ўзининг патент олган даволаш ва диагностика методлари ва технологияларини доимий равишда

такомиллаштириш ва уларнинг халқаро миқёсда эътироф этилишига эришиш;

ж) тиббиёт соҳасида республика мақсадли дастурларини ишлаб чиқишда ва амалга оширишда фаол қатнашиш;

з) фтизиатрия ва пульмонология соҳасида етакчи хорижий тиббиёт муассасалари билан халқаро ҳамкорликни кенгайтириш ва мустақкамлаш, тўпланган тажрибалар, ахборотлар, шунингдек мутахассислар билан кенг алмашилишни таъминлаш.

10. Марказ ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ:

республика аҳолисининг турли сил касалликларини олдини олиш ҳамда нафас органлари касалликларини (НОК) диагностика қилиш, даволаш ва профилактиканинг жаҳондаги илғор ютуқлари даражасида энг самарали, мураккаб ва юқори технологияли методларига бўлган эҳтиёжини таъминлайди;

фтизиатрия ва пульмонология бўйича энг кенг тарқалган касалликлар турларини диагностика қилиш, даволаш ва профилактика қилишнинг илғор, самарали методлари ва технологияларини ишлаб чиқади ва жорий қилади;

республика минтақаларида кўп тармоқли тиббиёт марказлари ихтисослашган бўлимларига ташкилий-методик ва илмий-амалий ёрдам кўрсатади;

ўз йўналиши бўйича юқори малакали мутахассисларнинг ўз мактабини шакллантиради ва ривожлантиради;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига Марказнинг ихтисослашганлик йўналиши бўйича тиббиёт соҳасида илмий тадқиқотларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига доир таклифларни кўриб чиқиш учун киритади;

фтизиатрия ва пульмонология соҳасидаги дори-дармонлар, тиббиёт воситалари, шунингдек диагностика ва даволаш методларининг клиник синовларини ўтказиши;

хориждаги тиббиёт оламига ўзининг илмий ва технологик ютуқларини тақдим этади;

фтизиатрия ва пульмонология бўйича ўзининг илмий, ўқув-методик ҳамда ахборот-маълумотнома материалларини тайёрлайди ва нашр қилади;

тиббиёт кадрларини, шу жумладан клиник ординатура, аспирантура ва докторантура орқали тайёрлаш, қайта тайёрлашни ва уларнинг малакасини оширишни амалга оширади.

III. Марказнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

11. Марказ белгиланган мақсадларга эришиш ва зиммасига юкланган вазифаларни бажариш учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ўзининг балансига берилган давлат мулкидан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш;

ривожланиш бизнес-режаларини, ўз бюджетини тузиш, уларнинг ҳажмларини, шакллантириш манбаларини ва сарфлаш йўналишларини белгилаш;

асосий воситаларни ижарага олиш ёки ижарага бериш, грантларни ва бошқа молиявий ёрдамни жалб этиш;

бюджетдан ажратиладиган маблағлар ва пулли тиббий хизматлар кўрсатишдан тушган даромадлар доирасида Марказ ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ҳамда уларни моддий рағбатлантириш миқдорларини мустақил равишда белгилаш;

фтизиатрия ва пульмонология бўйича илмий тадқиқотлар ўтказишга давлат бюджетидан грантлар олиш учун танловларда қатнашиш;

ўз фаолиятини амалга ошириш жараёнида яратилган интеллектуал мулк объектларига муаллифлик ҳуқуқларини олиш ва улардан фойдаланиш;

Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига ва халқаро шартномаларига мувофиқ хорижий юридик шахслар билан илмий ҳамда илмий-техник ҳамкорликни ва ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан келишган ҳолда филиаллар ташкил этиш;

қонун ҳужжатларига, Марказ фаолиятининг мақсадларига ва предмети-га зид бўлмаган бошқа иш турларини амалга ошириш.

12. Марказ Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан келишган ҳолда кўрсатиладиган тиббий хизматлар, амалга ошириладиган ишларнинг барча турлари учун тарифлар ва баҳоларни мустақил равишда, белгилашга ҳақлидир.

13. Марказ қуйидагиларга мажбур:

фтизиатрия ва пульмонология соҳасида ихтисослаштирилган тиббий ёрдамга муҳтож бўлган беморларга замонавий, жаҳон талабларидаги сифат ва стандартлар даражасида диагностика ва даволашни таъминлаш ва ривожлантириш;

сил касали ва нафас органлари касалликлари бўлган беморларга бепул асосда юқори малакали ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш;

етакчи хорижий клиникаларда Марказ ходимларини мунтазам равишда тор ихтисос бўйича қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни амалга ошириш;

Марказ ходимлари учун меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашнинг қонун ҳужжатларида белгиланган шартларини, техника хавфсизлигини, ижтимоий таъминотни ва аниқ йўналишли ижтимоий ҳимоя қилишни кафолатлаш;

ўз маблағлари ҳисобига Марказнинг моддий-техника базасини замонавий тиббиёт техникаси ва технологиялари билан мустаҳкамлаш ва ривожлантириш;

мол-мулкдан мақсадли фойдаланиш, унинг сақланишини таъминлаш;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бухгалтерия ҳисобини ва статистик ҳисобни ҳамда ҳисоботларни юритиш.

IV. Марказнинг мол-мулки

14. Марказнинг мол-мулки асосий фондлар, шунингдек бошқа моддий бойликлар ва молиявий ресурслардан иборат бўлади.

15. Марказ эгаллаб турган ер участкасига доимий фойдаланиш ҳуқуқлари билан эгалик қилади, фаолият мақсадларига мувофиқ ўз мол-мулкига эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади, шу билан бирга, бюджет маблағлари ва бюджетдан ташқари маблағлардан самарали фойдаланишни таъминлайди.

16. Марказ вақтинчалик фойдаланилмаётган хоналарини шартнома асосида ижарага бериш, ундан тушган маблағлардан Марказни ривожлантиришда фойдаланиш, шунингдек асбоб-ускуналар ва мол-мулкни қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ҳисобдан чиқариш ҳуқуқига эга.

V. Марказнинг тузилмаси ва уни бошқариш

17. Марказ таркибига бир сменада 50 нафар беморга хизмат кўрсатадиган консултация поликлиникаси ва 500 бемор ўрнига мўлжалланган стационар киради.

Марказ тузилмаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади. Зарурат бўлганда Марказ директори тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига Марказ тузилмасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича белгиланган тартибда таклифлар киритиш ҳуқуқига эга.

18. Марказ фаолиятига Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод қилинадиган директор раҳбарлик қилади.

Марказ директори:

ўз фаолиятини Марказ номидан амалга оширади, Марказнинг молия-хўжалик фаолиятига раҳбарлик қилади, Марказ номидан шартномалар тузади, Марказ фаолияти билан боғлиқ бўлган бошқа масалаларни ҳал этади;

Марказ ва унинг филиаллари ходимлари ишини ўз ваколатлари доирасида ташкил этади ва бошқаради, Марказ ходимлари бажариши мажбурий бўлган буйруқлар чиқаради, Марказ ходимларини қонун ҳужжатларига мувофиқ ишга қабул қилади ва ишдан бўшатади;

Марказ фаолияти учун жавоб беради.

19. Директор ўринбосарлари, Марказ филиаллари раҳбарлари Марказ директорининг тақдимномаси бўйича Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири томонидан лавозимга тайинланади ва эгаллаб турган лавозимдан озод этилади.

20. Марказ таркибида ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқиш учун Марказ Кенгаши ташкил этилади.

Марказ Кенгаши директор, унинг ўринбосарлари, Марказнинг етакчи мутахассислари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг вакилидан иборат таркибда 7 кишидан иборат бўлади.

Марказ Кенгаши тўғрисидаги Низом Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланади.

Кенгаш мажлислари ҳар чоракда ўтказилади, унинг қарорлари оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади ва протокол билан расмийлаштирилади.

21. Қўйидагилар Кенгашнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқиш, Марказ инвестиция ва илмий-техника сиёсатининг асосий йўналишларини белгилаш;
аҳолига пулли асосда кўрсатилаётган тиббий ёрдам турларига тарифларни белгиланган тартибда кўриб чиқиш;

Марказ ичидаги, шунингдек унинг филиалларидаги муносабатларни тартибга солувчи норматив ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш.

Марказ фаолиятининг самарадорлигини оширишга қаратилган тавсияларни ишлаб чиқиш.

Марказ Кенгаши мажлисида коллегиял қабул қилинган қарорлар Марказ директорининг буйруғи билан расмийлаштирилади.

22. Марказда Марказнинг етакчи илмий ходимларидан иборат бўлган Илмий кенгаш ташкил этилади.

Марказнинг Илмий кенгаши тўғрисидаги Низом ва унинг шахсий таркиби Марказ директори томонидан тасдиқланади.

Илмий кенгаш мажлислари ҳар ойда ўтказилади, унинг қарорлари оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади ва протокол билан расмийлаштирилади.

Қўйидагилар Илмий кенгашнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

тиббий ёрдам сифати ва самарадорлигини оширишга қаратилган илмий тавсияларни ишлаб чиқиш;

амалга оширилаётган илмий тадқиқотларнинг мақсадга мувофиқлиги ва ҳажмини аниқлаш;

илмий-тадқиқот ишлари режалаштирилиши ва бажарилишини ташкил этишга раҳбарлик қилиш.

23. Марказнинг ташкилий тузилмасига Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва унинг ташқарисида ташкил этиладиган филиаллар белгиланган тартибда кириши мумкин.

Филиаллар улар тўғрисидаги низомларга мувофиқ фаолият кўрсатади. Филиаллар тўғрисидаги низомлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тасдиқланади.

24. Аҳолига ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича Марказ фаолиятини назорат қилишни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги амалга оширади.

VI. Марказ фаолиятини молиялаштириш

25. Марказ ва унинг филиаллари фаолиятини молиялаштириш аралаш шаклда, шу жумладан:

Марказнинг ўз даромадлари;

Давлат бюджети маблағлари;
грантлар ва ҳомийлик ёрдами;
қонун ҳужжатларига зид бўлмаган тартибда жалб этилган бошқа маблағлар ҳисобига амалга оширилади.

26. Марказнинг ўз даромадлари:

аҳолига пулли асосда тиббий хизматлар кўрсатишдан;

Марказнинг илмий ва ўқув базасида бошқа тиббиёт муассасаларининг йўналишли мутахассисларини тайёрлашдан;

илмий-тадқиқот ишлари олиб боришдан;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалардан шаклланади.

27. Давлат бюджети маблағлари қўйидаги мақсадлар учун:

сил касали бўлган беморлар, шунингдек пульмонология касалликлари бўлган беморларга мавжуд ўрин фонди ва поликлиника қабул қилиш қувватига боғлиқ ҳолда бепул асосда юқори малакали ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича Марказ харажатларини қоплаш учун;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлашни ривожлантириш Давлат дастури ва йиллик инвестиция дастурлари доирасида Марказни замонавий тиббиёт ускуналари ва техника билан жиҳозлаш учун;

Марказни мукамал реконструкция қилиш ва таъмирлаш учун;

илмий-тадқиқот фаолиятига грантлар шаклида ажратилади.

Бюджет маблағлари Марказга Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги орқали алоҳида сатрда, аҳолининг имтиёзли тоифаларига бепул асосда тиббий ёрдам кўрсатиш, Марказни ускуналар ва техника билан жиҳозлаш бўйича харажатлар тўловига, шунингдек бюджет маблағлари ҳисобига мукамал таъмирлашга эса — Ҳазначилик орқали ажратилади.

28. Марказ ходимлари сони ва ходимларнинг иш ҳақи миқдори Марказ директори томонидан мустақил равишда белгиланади, тиббиёт ходимларини моддий рағбатлантириш эса бажариладиган ишнинг мураккаблиги даражаси, сифати ва ҳажмига қараб белгиланган тартибда белгиланади.

29. Марказ ажратилган бюджет маблағлари ва ўз даромадлари доирасида мустақил равишда:

Марказ даромадлари ва харажатлари сметасини ишлаб чиқади ҳамда уни тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига тақдим этади;

Марказ ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни моддий рағбатлантириш тўғрисидаги низомни ишлаб чиқади ва тасдиқлайди;

штат жадвалини тасдиқлайди ҳамда базавий маошлардан келиб чиқиб Такомиллаштирилган Тариф сеткаси бўйича тиббиёт ва фармацевтика ходимларига, бошқа ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича эса Ягона тариф сеткаси бўйича лавозим маошларини, шунингдек энг кўп миқдори чекланмайдиган устамаларни белгилайди.

30. Марказ хўжалик фаолиятдан олинadиган даромадларни мустақил равишда тасарруф этади. Марказнинг молия-хўжалик фаолияти натижасида олинган фойдаси тегишли солиқлар ва бюджетга бошқа мажбурий тўлов-

лар тўлангандан кейин Марказнинг тасарруфида қолади ва белгиланган тартибда:

Марказнинг моддий-техника базасини янгилаш, модернизация қилиш ва кенгайтириш, замонавий тиббиёт техникаси, жиҳозлар ва асбоб-ускуналар сотиб олиш;

Марказ ходимларини моддий рағбатлантириш;
айланма фондларни тўлдириш;

Марказ мутахассисларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг ма-
лакасини ошириш;

маҳсулотлар ва хизматларни реклама қилиш;

Марказ фаолиятини таъминлаш билан боғлиқ бошқа мақсадлар учун
фойдаланилади.

VII. Ҳисоб ва ҳисобот


31. Марказ қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини юритади, уни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига ва Давлат статистика қўмитасига тақдим этади, ҳужжатларнинг сақланиши ва уларнинг келишилган рўйхатга мувофиқ давлат томонидан сақлашга берилиши учун жавоб беради.

32. Марказнинг молия-хўжалик фаолиятини назорат қилиш ва текшириш соғлиқни сақлаш, солиқ ва молия органлари, бошқа давлат органлари томонидан уларнинг ваколатлари доирасида, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда аудиторлик ташкилотлари билан тузилган шартномалар асосида аудиторлик ташкилотлари томонидан амалга оширилади.

VIII. Қайта ташкил этиш ва тугатиш

33. Марказни қайта ташкил этиш ва тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

**Ш. Алимов номидаги республика ихтисослаштирилган
фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт маркази
ТУЗИЛМАСИ**



Вазирлар Маҳкамасининг
2009 йил 21 майдаги 145-сон қарорига
6-ИЛОВА

**Республика ихтисослаштирилган эндокринология
илмий-амалий тиббиёт маркази тўғрисида
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази фаолиятини ташкил этиш ва молиялаштириш тартибини белгилайди.

Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази (кейинги ўринларда Марказ деб аталади) Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида» 2007 йил 19 сентябрдаги ПФ–3923-сон Фармони асосида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Эндокринология илмий-тадқиқот институти негизида эндокринология соҳасида даволаш-профилактика, илмий-тадқиқот ва методик фаолиятни амалга оширадиган ҳамда аҳолига юқори малакали ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатадиган ихтисослаштирилган мустақил тиббиёт муассасаси сифатида ташкил этилган.

2. Марказ давлат муассасаси шаклида ташкил этилади, юридик шахс ҳисобланади, мустақил балансга, банкларда ҳисоб рақамларига, Марказнинг номи тўлиқ кўрсатилган муҳрга эга бўлади.

Марказ эндокринология соҳасида ихтисослашиш бўйича тиббиёт кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича клиник ўқув базаси ҳисобланади.

3. Марказ ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг буйруқлари ва фармойишларига, бошқа қонун ҳужжатларига ҳамда ушбу Низомга амал қилади.

4. Марказ фаолиятнинг барча соҳаларидаги ўз муносабатларини қонун ҳужжатлари доирасида, шунингдек Марказнинг мақсади ва фаолияти предметига мувофиқ юридик ва жисмоний шахслар билан белгиланган тартибда тузилган шартномалар асосида амалга оширади.

5. Марказнинг тўлиқ номи:

давлат тилида — Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази:

рус тилида — Республиканский специализированный научно-практический медицинский центр эндокринологии.

6. Марказ қуйидаги манзилда жойлашган: Тошкент шаҳри, Мирзо Улугбек тумани, Ҳ.Абдуллаев кўчаси, 56-уй.

7. Марказ Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига бўйсунди.

II. Марказнинг мақсади, вазифалари ва функциялари

8. Қуйидагилар Марказни ташкил этиш ва фаолиятининг мақсади ҳисобланади:

юқори сифатли ва халқаро стандартлар талаблари даражасида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишга даъват этилган юқори технологияли моддий ва илмий базани, шунингдек эндокринология мактабини шакллантириш;

аҳолининг эндокринологияда диагностика, даволаш ва профилактика бўйича ихтисослаштирилган, юқори технологияли тиббий ёрдамга бўлган талабини қондириш.

9. Марказнинг асосий вазифалари:

а) Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган рўйхат бўйича эндокрин касалликлардан азоб чекадиган беморларга мавжуд ўрин фонди ва поликлиника қабул қилиш қувватининг 30 фоизигача миқдорда — бепул асосда;

Ўзбекистон Республикаси фуқароларига (ушбу кичик банднинг биринчи хатбошида кўрсатилган шахслардан ташқари), шунингдек хорижий фуқароларга ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга — пулли асосда эндокринология соҳасида юқори малакали ихтисослаштирилган, юқори технологияли тиббий ёрдам кўрсатиш;

б) тиббиёт техникаси ва аппаратларининг мавжуд паркани доимий равишда янгилаб бориш ва модернизация қилишни таъминлаш, Марказни эндокринология соҳасида илғор жаҳон ютуқлари даражасида, ихтисослаштирилган, юқори малакали ёрдам кўрсатиш имконини берадиган замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозлаш;

в) Марказ фаолиятини таъминлаш учун аралаш молиялаштириш шартларида молиявий ва моддий-техник ресурсларни жалб этиш бўйича менежмент ва маркетинг ишларини ташкил этиш;

г) Марказ тиббиёт ходимларининг, шу жумладан мутахассисларнинг етакчи хорижий тиббиёт таълим муассасаларида ва клиникаларида энг кўп тарқалган эндокрин касалликлар диагностикаси ва уларни даволашнинг замонавий методлари бўйича стажировкасини ташкил этиш ҳисобига доимий равишда касбий даражасини ошириш ва такомиллаштириш;

д) эндокринологияда профилактика, диагностика ва даволаш бўйича ўзининг илғор методларини ишлаб чиқиш ва тиббий амалиётга жорий этишга йўналтирилган илмий тадқиқотларни амалга ошириш;

е) эндокринологияда ўзининг патент олган даволаш ва диагностика ме-

тодлари ва технологияларини доимий равишда такомиллаштириш ва уларнинг халқаро миқёсда эътироф этилишига эришиш;

ж) тиббиёт соҳасидаги республика мақсадли дастурларини ишлаб чиқишда ва амалга оширишда фаол қатнашиш;

з) эндокринология соҳасида етакчи хорижий тиббиёт муассасалари билан халқаро ҳамкорликни кенгайтириш ва мустақкамлаш, тўпланган тажрибалар, ахборотлар, шунингдек мутахассислар билан кенг алмашилишни таъминлаш.

10. Марказ ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ:

республика аҳолисининг эндокринологияда диагностика, даволаш ва профилактиканинг жаҳондаги илғор ютуқлари даражасида энг самарали, мураккаб ва юқори технологияли методларига бўлган эҳтиёжини таъминлайди;

эндокринологик касалликларининг энг кўп тарқалган турларини диагностика қилиш, даволаш ва профилактика қилишнинг илғор самарали методлари ва технологияларини ишлаб чиқади ва жорий қилади;

республика минтақаларида эндокринология диспансерларига ташкилий-методик ва илмий-амалий ёрдам кўрсатади;

ўз йўналиши бўйича юқори малакали мутахассисларнинг ўз мактабини шакллантиради ва ривожлантиради;

зарурат бўлганда Шошилинч тиббий ёрдамга муҳтож бўлганларни даволашга ётқизиш тўғрисидаги Низомга мувофиқ юқори малакали ихтисослаштилган тиббий ёрдам кўрсатади;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига Марказнинг ихтисослашганлик йўналиши бўйича тиббиёт соҳасида илмий тадқиқотларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига доир таклифларни кўриб чиқиш учун киритади;

эндокринологияда дори-дармонлар, тиббиёт воситалари, шунингдек диагностика ва даволаш методларининг клиник синовларини ўтказиши;

хориждаги тиббиёт оламига ўзининг илмий ва технологик ютуқларини тақдим этади;

эндокринология бўйича ўзининг илмий, ўқув-методик ҳамда ахборот-маълумотнома материалларини тайёрлайди ва нашр қилади;

тиббиёт кадрларини, шу жумладан клиник ординатура, аспирантура ва докторантура орқали тайёрлаш, қайта тайёрлашни ва уларнинг малакасини оширишни амалга оширади.

III. Марказнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

11. Марказ белгиланган мақсадларга эришиш ва зиммасига юкланган вазифаларни бажариш учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ўзининг балансига берилган давлат мулкидан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш;

ривожланиш бизнес-режаларини, ўз бюджетини тузиш, уларнинг

ҳажмларини, шакллантириш манбаларини ва сарфлаш йўналишларини белгилаш;

асосий воситаларни ижарага олиш ёки ижарага бериш, грантларни ва бошқа молиявий ёрдамни жалб этиш;

бюджетдан ажратиладиган маблағлар ва пулли тиббий хизматлар кўрсатишдан тушган даромадлар доирасида Марказ ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ҳамда уларни моддий рағбатлантириш миқдорларини мустақил равишда белгилаш;

эндокринология бўйича илмий тадқиқотлар ўтказишга давлат бюджетидан грантлар олиш учун танловларда қатнашиш;

ўз фаолиятини амалга ошириш жараёнида яратилган интеллектуал мулк объектларига муаллифлик ҳуқуқларини олиш ва улардан фойдаланиш;

Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига ва халқаро шартномаларига мувофиқ хорижий юридик шахслар билан илмий ҳамда илмий-техник ҳамкорликни ва ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан келишган ҳолда республика ҳудудларида филиаллар ташкил этиш;

қонун ҳужжатларига, Марказ фаолиятининг мақсадларига ва предмети-га зид бўлмаган бошқа фаолият турларини амалга ошириш.

12. Марказ Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан келишган ҳолда кўрсатиладиган тиббий хизматлар, амалга ошириладиган ишларнинг барча турлари учун тарифлар ва баҳоларни мустақил равишда белгилашга ҳақлидир.

13. Марказ қўйидагиларга мажбур:

эндокринология соҳасида ихтисослаштирилган тиббий ёрдамга муҳтож бўлган беморларга замонавий жаҳон талабларидаги сифат ва стандартлар даражасида диагностика ва даволашни таъминлаш ва ривожлантириш;

тасдиқланган тариф бўйича аҳолига юқори малакали ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш;

етакчи хорижий клиникаларда Марказ ходимларини мунтазам равишда тор ихтисос бўйича қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни амалга ошириш;

Марказ ходимлари учун меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашнинг қонун ҳужжатларида белгиланган шартларини, техника хавфсизлигини, ижтимоий таъминотни ва аниқ йўналишли ижтимоий ҳимоя қилишни кафолатлаш;

ўз маблағлари ҳисобига Марказнинг моддий-техника базасини замонавий тиббиёт техникаси ва технологиялари билан мустаҳкамлаш ва ривожлантириш;

мол-мулкдан мақсадли фойдаланиш, унинг сақланишини таъминлаш;

амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ бухгалтерия ҳисобини ва статистик ҳисобни ҳамда ҳисоботларни юритиш.

IV. Марказнинг мол-мулки

14. Марказнинг мол-мулки асосий фондлар, шунингдек бошқа моддий бойликлар ва молиявий ресурслардан иборат бўлади.

15. Марказ эгаллаб турган ер участкасига доимий фойдаланиш ҳуқуқлари билан эгалик қилади, фаолият мақсадларига мувофиқ ўз мол-мулкига эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади, шу билан бирга, бюджет маблағлари ва бюджетдан ташқари маблағлардан самарали фойдаланишни таъминлайди.

16. Марказ вақтинчалик фойдаланилмаётган хоналарини шартнома асосида ижарага бериш, ундан тушган маблағлардан Марказни ривожлантиришда фойдаланиш, шунингдек асбоб-ускуналар ва мол-мулкни қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ҳисобдан чиқариш ҳуқуқига эга.

V. Марказнинг тузилмаси ва уни бошқариш

17. Марказ таркибига бир сменада 250 нафар беморга хизмат кўрсатадиган консультация поликлиникаси ва 246 бемор ўрнига мўлжалланган стационар киради.

Марказ тузилмаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади. Зарурат бўлганда Марказ директори тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига Марказ тузилмасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича белгиланган тартибда таклифлар киритиш ҳуқуқига эга.

18. Марказ фаолиятига Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод қилинадиган директор раҳбарлик қилади.

Марказ директори:

ўз фаолиятини Марказ номидан амалга оширади, Марказнинг молия-хўжалик фаолиятига раҳбарлик қилади, Марказ номидан шартномалар тузади, Марказ фаолияти билан боғлиқ бўлган бошқа масалаларни ҳал этади;

Марказ ва унинг филиаллари ходимлари ишини ўз ваколатлари доирасида ташкил этади ва бошқаради, Марказ ходимлари бажариши мажбурий бўлган буйруқлар чиқаради, Марказ ходимларини қонун ҳужжатларига мувофиқ ишга қабул қилади ва ишдан бўшатади;

Марказ фаолияти учун жавоб беради.

19. Директор ўринбосарлари, Марказ филиаллари раҳбарлари Марказ директорининг тақдимномаси бўйича Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири томонидан лавозимга тайинланади ва эгаллаб турган лавозимдан озод этилади.

20. Марказ таркибда ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқиш учун Марказ Кенгаши ташкил этилади.

Марказ Кенгаши директор, унинг ўринбосарлари, Марказнинг етакчи мутахассислари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг вакилидан иборат таркибда 7 кишидан иборат бўлади.

Марказ Кенгаши тўғрисидаги Низом Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланади.

Кенгаш мажлислари ҳар чоракда ўтказилади, унинг қарорлари оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади ва протокол билан расмийлаштирилади.

21. Қуйидагилар Кенгашнинг асосий вазифалари ҳисобланади: ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқиш, Марказ инвестиция ва илмий-техника сиёсатининг асосий йўналишларини белгилаш; аҳолига пулли асосда кўрсатилаётган тиббий ёрдам турларига тарифларни белгиланган тартибда кўриб чиқиш;

Марказ ичидаги, шунингдек унинг филиалларидаги муносабатларни тартибга солувчи норматив ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш;

Марказ фаолиятининг самарадорлигини оширишга қаратилган тавсияларни ишлаб чиқиш.

Марказ Кенгаши мажлисида коллегиял қабул қилинган қарорлар Марказ директорининг буйруғи билан расмийлаштирилади.

22. Марказда Марказнинг етакчи илмий ходимларидан иборат бўлган Илмий кенгаш ташкил этилади.

Марказнинг Илмий кенгаши тўғрисидаги Низом ва унинг шахсий таркиби Марказ директори томонидан тасдиқланади.

Илмий кенгаш мажлислари ҳар ойда ўтказилади, унинг қарорлари оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади ва протокол билан расмийлаштирилади.

Қуйидагилар Илмий кенгашнинг асосий вазифалари ҳисобланади: тиббий ёрдам сифати ва самарадорлигини оширишга қаратилган илмий тавсияларни ишлаб чиқиш;

амалга оширилаётган илмий тадқиқотларнинг мақсадга мувофиқлиги ва ҳажмини аниқлаш;

илмий-тадқиқот ишлари режалаштирилиши ва бажарилишини ташкил этишга раҳбарлик қилиш.

23. Марказнинг ташкилий тузилмасига Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва унинг ташқарисида ташкил этиладиган филиаллар белгиланган тартибда кириши мумкин.

Филиаллар улар тўғрисидаги низомларга мувофиқ фаолият кўрсатади. Филиаллар тўғрисидаги низомлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тасдиқланади.

24. Аҳолига ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича Марказ фаолиятини назорат қилишни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги амалга оширади.

VI. Марказ фаолиятини молиялаштириш

25. Марказ фаолиятини молиялаштириш аралаш шаклда, шу жумладан: Марказнинг ўз даромадлари; Давлат бюджети маблағлари;

грантлар ва ҳомийлик ёрдами;

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига зид бўлмаган тартибда жалб этилган бошқа маблағлар ҳисобига амалга оширилади.

26. Марказнинг ўз даромадлари:

аҳолига пулли асосда тиббий хизматлар кўрсатишдан;

Марказнинг илмий ва ўқув базасида бошқа тиббиёт муассасаларининг йўналишли мутахассисларини тайёрлашдан;

илмий-тадқиқот ишлари олиб боришдан;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалардан шаклланади.

27. Давлат бюджети маблағлари қўйидаги мақсадлар учун:

эндокринологик беморларга мавжуд ўрин фонди ва поликлиника қабул қилиш қувватининг 30 фоизигача, шунингдек шошилиш тиббий ёрдам кўрсатишга муҳтож бўлган беморларга 15 фоизигача ҳажмда бепул асосда юқори малакали ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича Марказ харажатларини қоплаш учун;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда айрим мураккаб, юқори технологияли (қиммат бўлган) тиббий ёрдам турларига белгиланган имтиёзли тарифлар бўйича аҳолига тиббий хизматлар кўрсатишга Марказ харажатларини қоплаш учун;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлашни ривожлантириш давлат дастури ва ҳар йилги инвестиция дастурлари доирасида Марказни замонавий тиббиёт ускуналари ва техника билан жиҳозлаш учун;

Марказни мукамал реконструкция қилиш ва таъмирлаш учун;

илмий-тадқиқот фаолиятига грантлар шаклида ажратилади.

Бюджет маблағлари Марказга Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги орқали алоҳида сатрда, аҳолининг имтиёзли тоифаларига бепул асосда тиббий ёрдам кўрсатиш, Марказни ускуналар ва техника билан жиҳозлаш бўйича харажатлар тўловига, шунингдек бюджет маблағлари ҳисобига мукамал таъмирлашга эса — Ҳазначилик орқали ажратилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан Марказнинг молиявий фаолияти мустаҳкамланишига ва унинг ўзини ўзи молиялаштириш ва ўз харажатларини ўзи қоплашга ўтишига қараб Давлат бюджети маблағларидан молиялаштириш ҳажми босқичма-босқич камайтирилиши мумкин.

28. Марказ ходимлари сони ва ходимларнинг иш ҳақи миқдори Марказ директори томонидан мустақил равишда белгиланади, тиббиёт ходимларини моддий рағбатлантириш эса бажариладиган ишнинг мураккаблик даражаси, сифати ва ҳажмига қараб белгиланган тартибда белгиланади.

29. Марказ ажратилган бюджет маблағлари ва ўз даромадлари доирасида мустақил равишда:

Марказ даромадлари ва харажатлари сметасини ишлаб чиқади ҳамда уни тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига тақдим этади;

Марказ ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни моддий рағбатлантириш тўғрисидаги низомни ишлаб чиқади ва тасдиқлайди;

штат жадвалини тасдиқлайди ҳамда базавий маошлардан келиб чиқиб Такомиллаштирилган тариф сеткаси бўйича тиббиёт ва фармацевтика ходимларига, бошқа ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича эса — Ягона тариф сеткаси бўйича лавозим маошларини, шунингдек энг кўп миқдори чекланмайдиган устамаларни белгилайди.

30. Марказ хўжалик фаолиятдан олинadиган даромадларни мустақил равишда тасарруф этади. Марказнинг молия-хўжалик фаолияти натижасида олинган фойдаси тегишли солиқлар ва бюджетга бошқа мажбурий тўловлар тўлангандан кейин Марказнинг тасарруфида қолади ва белгиланган тартибда:

Марказнинг моддий-техника базасини янгилаш, модернизация қилиш ва кенгайтириш, замонавий тиббиёт техникаси, жиҳозлар, асбоб-ускуналар сотиб олиш;

Марказ ходимларини моддий рағбатлантириш;
айланма фондларни тўлдириш;

Марказ мутахассисларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг ма-лакасини ошириш;

маҳсулотлар ва хизматларни реклама қилиш;

Марказ фаолиятини таъминлаш билан боғлиқ бошқа мақсадлар учун фойдаланилади.

VII. Ҳисоб ва ҳисобот


31. Марказ қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини юритади, уни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига ва Давлат статистика қўмитасига тақдим этади, ҳужжатларнинг сақланиши ва уларнинг келишилган рўйхатга мувофиқ давлат томонидан сақлашга берилиши учун жавоб беради.

32. Марказнинг молия-хўжалик фаолиятини назорат қилиш ва текшириш соғлиқни сақлаш, солиқ ва молия органлари, бошқа давлат органлари томонидан уларнинг ваколатлари доирасида, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда аудиторлик ташкилотлари билан тузилган шартномалар асосида аудиторлик ташкилотлари томонидан амалга оширилади.

VIII. Қайта ташкил этиш ва тугатиш

33. Марказни қайта ташкил этиш ва тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

**Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази
ТУЗИЛМАСИ**



БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МОНОПОЛИЯДАН ЧИҚАРИШ, РАҚОБАТ ВА ТАДБИРКОРЛИКНИ
ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ДАВЛАТ ҚўМИТАСИНING
ҚАРОРИ

255 Тугатилаётган корхонанинг мол-мулки ва мажбуриятларини инвентарлашни ташкил этиш ва қийматини аниқлаш бўйича йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил
18 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 887-2*

(2009 йил 28 майдан кучга киради)

«Банкротлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси, 2003 й., 5-сон, 63-модда) ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 2 майдаги ПҚ–66-сонли қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 йил, 17-18-сон, 130-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси тўғрисидаги низомга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Макроиктисодиёт ва статистика вазирлиги қошидаги Иқтисодий ночор корхоналар ишлари қўмитаси томонидан 1999 йил 29 декабрда 17-сон билан тасдиқланган «Тугатилаётган корхонанинг мол-мулки ва мажбуриятларини инвентарлашни ташкил этиш ва қийматини аниқлаш бўйича йўриқнома»га (2000 йил 3 февраль, рўйхат рақами 887 — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 2000 йил, 3-сон) иловага* мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида дав-

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

лат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Монополиядан чиқариш, рақобат ва
тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш
давлат қўмитаси раиси в.б.**

Б. УЛАШОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 24 апрель,
10-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА
ВА ҚУРИЛИШ ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

256 Марказлаштирилган манбалар ҳисобидан молиялаштириладиган объектлар бўйича қурилиш муддатлари ва шартнома мажбуриятларига риоя этилиши устидан мониторинг юритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил
22 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1959*

(2009 йил 1 июндан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 3 июлдаги 302-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2003 й., 13-сон, 105-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси ҳудудда капитал қурилишда танлов савдолари тўғрисидаги низомга ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 2 октябрдаги ПҚ-969-сон «Ўзбекистон Республикасининг 2009 йилги Инвестиция дастури тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 40-41-сон, 408-модда) мувофиқ «Давархитектқурилиш» қўмитаси **қарор қилади:**

1. Марказлаштирилган манбалар ҳисобидан молиялаштириладиган объектлар бўйича қурилиш муддатлари ва шартнома мажбуриятларига риоя этилиши устидан мониторинг юритиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. «Давархитектқурилиш» қўмитасининг 2003 йил 19 августдаги 5-сон-

ли «Танлов савдолари натижалари бўйича тузилган шартномалар юзасидан мажбуриятлар бажарилиши мониторингини ташкил қилиш тўғрисида»ги қарори (2003 йил 23 сентябрь, рўйхат рақами 1274 — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 2003 й., 17-18-сон) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб ўн кун ўтгач кучга киритилсин.

**Давлат архитектура ва
қурилиш қўмитаси раиси**

Н. ХАНОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 23 апрель,
1-сон

Давлат архитектура ва қурилиш
қўмитасининг 2009 йил 23 апрелдаги
1-сон қарори билан
ТАСДИҚЛАНГАН

**Марказлаштирилган манбалар ҳисобидан
молиялаштириладиган объектлар бўйича қурилиш
муддатлари ва шартнома мажбуриятларига риоя
этилиши устидан мониторинг юритиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 3 июлдаги 302-сон «Капитал қурилишда танлов савдолари тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2003 й., 13-сон, 105-модда) ҳамда 2003 йил 2 декабрдаги 538-сон «Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2003 й., 23-сон, 233-модда) қарорларига мувофиқ марказлаштирилган манбалар ҳисобидан молиялаштириладиган объектлар бўйича қурилиш муддатлари ва шартнома мажбуриятларига риоя этилиши устидан мониторинг юритиш (бундан кейинги ўринларда мониторинг деб юритилади) тартибини белгилайди.

I. Умумий қоидалар

1. Мониторинг юритиш марказлаштирилган манбалар ҳисобидан молиялаштириладиган объектлар бўйича ўтказилган танлов савдолари натижаларига кўра тузилган шартнома шартларининг буюртмачилар ва пудратчилар томонидан бажарилишини назорат қилиш мақсадида олиб борилади.

2. Мониторинг юритиш янги қурилиш, корхоналарни кенгайтириш,

реконструкция қилиш, замонавийлаштириш ва техника билан қайта жиҳозлаш, объектларни капитал таъмирлаш юзасидан ўтказилган танлов савдолари натижаларига кўра тузилган шартномалар бўйича ҳар ойда амалга оширилади.

II. Мониторинг юритишни амалга ошириш ҳамда мониторинг юритиш бўйича маълумотларни тақдим этиш тартиби

3. Мониторинг юритишнинг дастлабки босқичи буюртмачи ва пудратчи томонидан танлов савдолари натижаларига кўра тузилган шартнома мажбуриятлари бажарилиши бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси (бундан кейинги ўринларда «Давархитектқурилиш» қўмитаси деб аталади) қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига (кейинги ўринларда консалтинг маркази деб аталади) ушбу Низомнинг 1 ва 2-иловаларига мувофиқ ҳар ойда тақдим этиб бориладиган ахборотларни таҳлил қилиш йўли билан амалга оширилади.

4. Консалтинг марказлари буюртмачилар ва пудратчилар томонидан тақдим этилган ахборотларни таҳлил қилади ҳамда ушбу Низомнинг 1 ва 2-иловаларида белгиланган жадваллар асосида ҳар ойда «Давархитектқурилиш» қўмитасига ҳисобот тақдим этади.

5. Консалтинг марказлари «Давархитектқурилиш» қўмитасининг Давлат архитектура-қурилиш назорати ҳудудий инспекциялари (бундан кейинги ўринларда «Давархитектқурилиш» қўмитасининг ҳудудий инспекциялари деб юритилади) билан биргаликда буюртмачи ва пудратчилар томонидан тақдим этилган мониторинг юритиш бўйича тайёрланган маълумотларини текшириш бўйича жойлардаги танланма объектларга чиқиб, амалда бажарилган ишларни солиштириш (объектлар умумий сонининг 50 фоизидан кам бўлмаган) йўли билан назорат ўрнатиши керак.

Консалтинг марказлари ҳамда «Давархитектқурилиш» қўмитасининг ҳудудий инспекциялари танланма объектлар бўйича амалда бажарилган ишларни ўрганиб чиқиш натижалари юзасидан ушбу Низомнинг 3-иловасига мувофиқ мониторинг маълумотларини тайёрлайди ва «Давархитектқурилиш» қўмитасига тақдим этади.

6. «Давархитектқурилиш» қўмитаси ҳар чоракда мониторинг юритиш натижалари бўйича вилоятлар кесимида ва молиялаштириш маблағлари кўрсатилган шаклда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таҳлилий маълумотнома тақдим этади.

7. Мониторинг юритиш натижалари бўйича тайёрланадиган маълумотлар тўлиқ ва ҳаққоний бўлиши керак.

8. Қурилиш объектларининг номи, фойдаланишга топшириш муддатлари ва қийматлари буюртмачининг танлов савдолари натижалари бўйича ҳисоботига мувофиқ бўлиши керак.

III. Жавобгарлик

9. Буюртмачилар, пудратчилар, Консалтинг марказлари, «Давархитект-қурилиш» қўмитасининг ҳудудий инспекциялари ҳамда «Давархитектқурилиш» қўмитаси белгиланган тартибда тақдим этилаётган мониторинг юртиш натижалари бўйича тайёрланган маълумотларнинг тўлиқлиги, ҳаққонийлиги ва ўз вақтида топширилиши учун шахсан жавобгардирлар.

Марказлаштирилган манбалар ҳисобидан молиялаштирилган объектлар бўйича қурилиш муддатлари ва шартнома мажбуриятларига риоя этилиши устидан мониторинг юритиш тартиби тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

_____ бўйича объектларнинг
(худуд номи)
шартнома шартларини бажарилиши тўғрисида
МАЪЛУМОТ

Т/р	Объектнинг номи, қуввати	Фойдаланишга топшириш муддати	Пудратчи ташкилот	Объектнинг шартнома бўйича қиймати	Объектнинг ҳақиқий ҳолати			
					бажарилган ишлар			
					жадвал асосида	амалда	тасдиқланган жадвалга мувофиқ фоиз ҳисобида	йиллик режага нисбатан фоиз ҳисобида
1	2	3	4	5	6	7	8	9

Буюртмачининг раҳбари

_____ имзо

_____ Ф.И.О.

Жадвалнинг давоми

Молиялаштириш (млн. сўмда)		Бажарилган ишларнинг қисқача таҳлили				Объектда бажарилаётган ишлар	Ортада қолиш сабаблари
амалда	фоизда	Машина ва механизмлар, ишчи кучи захиралари сони					
амалда	фоизда	номи	жадвал асосида	амалда	фоизда	16	17
10	11	12	13	14	15		

Марказлаштирилган манбалар ҳисобидан молиялаштирилган объектлар бўйича қурилиш муддатлари ва шартнома мажбуриятларига риоя этилиши устидан мониторинг юритиш тартиби тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

объектлари бўйича

(пудратчининг номи)

**шартнома шартларини бажарилиши тўғрисида
МАЪЛУМОТ**

Т/р	Объектнинг номи, қуввати	Фойдаланишга топшириш муддати	Объектнинг шартнома бўйича қиймати	Объектнинг ҳақиқий ҳолати			
				бажарилган ишлар			
				жадвал асосида	амалда	тасдиқланган жадвалга мувофиқ фои з ҳисобида	йиллик режага нисбатан фои з ҳисобида
1	2	3	4	5	6	7	8

Пудратчининг раҳбари

имзо

Ф.И.О.

Жадвалнинг давоми

Молиялаштириш (млн. сўмда)		Бажарилган ишларнинг қисқача таҳлили				Объектда бажарилаётган ишлар	Ортада қолиш сабаблари
амалда	фоизда	Машина ва механизмлар, ишчи кучи захиралари сони					
9	10	номи	жадвал асосида	амалда	фоизда	15	16
		11	12	13	14		

Марказлаштирилган манбалар ҳисобидан молиялаштириладиган объектлар бўйича қурилиш муддатлари ва шартнома мажбуриятларига риоя этилиши устидан мониторинг юритиш тартиби тўғрисидаги низомга
З-ИЛОВА

бўйича объектларда шартнома шартларини

(худуд номи)

**бажариш танланма мониторинги тўғрисида
МАЪЛУМОТ**

Т/р	Объектнинг номи, қуввати	Фойдаланишга топшириш муддати	Объектнинг шартнома бўйича қиймати	Объектнинг ҳақиқий ҳолати			
				Бажарилган ишлар			Кўрсаткичларнинг номи
				жадвал бўйича	амалда	жадвалга нисбатан фоиз ҳисобида	
1	2	3	4	5	6	7	8

Консалтинг маркази директори

ИМЗО

Ф.И.О.

«Давархитектқурилиш» қўмитасининг
худудий инспекцияси раҳбари

ИМЗО

Ф.И.О.

Жадвалнинг давоми

Ишларни тури бўйича							
ер ишлари	пойдеворлар	ғишт териш	эшик, дераза ва полларни ўрнатиш	ораёпмалар	томёпмалар	муҳандислик коммуникациялари	
						ташқи	ички
9	10	11	12	13	14	15	16

Жадвалнинг давоми

пардозлаш ишлари		Молиялаштириш		Ортада қолиш сабаблари
ободонлаштириш, тўсиқ деворлар	амалда	фонзда		
17	18	19	20	21

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат қўмиталари ва
идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат
рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида
2009 йил 16 майдан 22 майгача
бўлган маълумотни маълум қилади

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. «Тугатилаётган корхонанинг мол-мулки ва мажбуриятларини инвентарлашни ташкил этиш ва қийматини аниқлаш бўйича йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг 2009 йил 24 апрелдаги 10-сонли қарори.*

2009 йил 18 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 887-2 (2009 йил 28 майдан кучга киради).

2. «Марказлаштирилган манбалар ҳисобидан молиялаштириладиган объектлар бўйича қурилиш муддатлари ва шартнома мажбуриятларига риоя этилиши устидан мониторинг юритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг 2009 йил 23 апрелдаги 1-сонли қарори.*

2009 йил 22 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1959 (2009 йил 1 июндан кучга киради).

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. «Танлов савдолари натижалари бўйича тузилган шартномалар юзасидан мажбуриятлар бажарилиши мониторингини ташкил қилиш тўғрисида» қарор. *Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 1274, 2003 йил 23 сентябрь).*

Адлия вазирининг 2009 йил 22 майдаги 124-мҳ-сонли буйруғи билан реестрдан чиқарилди.

Мазкур ҳужжат қонунчиликка ўзгартиришлар киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.

III. Давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим эмас:

1. «Магистрал газ қувурларнинг (МГҚ) газ тақсимлаш шохобчалари (ГТШ) ва автомобилларга газ тўлдириш компрессор шохобчаларида (АГТҚШ)

суюлтирилган табиий газни ишлаб чиқариш, сақлаш ва етказиб беришда хавфсизлик қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруқ. «Саноатконтехназорат» давлат инспекцияси бошлиғи томонидан тасдиқланган.

Адлия вазирлиги билан келишилган ҳолда ушбу ҳужжат техник ҳужжат деб топилди.

Мазкур ҳужжат белгиланган тартибда кўрсатилган идоралар томонидан тасдиқланиб, кучга киритилиши мумкин.

Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлмаган ҳужжатларда қонун ҳужжатларига зид қоидалар бўлмаслиги лозим.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ
МАЪЛУМОТЛАРИ
МИЛЛИЙ БАЗАСИ

ҲУҚУҚИЙ АХБОРОТ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ МАРКАЗИ

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасининг ахборот излаш тизими (ҚХММБ LexUZ) аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини кўтариш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан юридик ва жисмоний шахсларнинг кенг фойдаланиш имкониятини таъминлаш, жамиятни ҳуқуқий ахборотлаштириш тизимини такомиллаштириш мақсадида яратилган.

LexUZ фойдаланувчиларга ҚХММБда Интернет орқали фойдаланиш имкониятини таъминлайди ва бунда:

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни таркибий қисмлари ва реквизитлари, шунингдек, юридик таҳлил карточкаларидаги маълумотлари асосида, яъни:

— *Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тармоқлари умумҳуқуқий классификатори бўйича;*

— *қонунчиликнинг мавзули маълумотномаси бўйича;*

— *тушунча ва терминлар маълумотномаси бўйича;*

— *алфавит-предметли кўрсаткич бўйича кўпмезонли, кенгқамровли қидириш имконини беради.*

излаш натижалари жадвал қаторлари кўринишида акс эттирилади ва улар билан ишлашнинг кўйидаги имкониятлари мавжуд:

— *танланган ҳужжатларнинг реквизитлари бўйича саралаш;*

— *танланган ҳужжатларнинг реквизитлари бўйича гуруҳлаш;*

— *ҳужжатлар билан ишлаш учун натижавий жадвалда уларни танлаш;*

— *излаш натижасида танланган ҳужжатларга оид барча маълумотларни олиш;*

— *ҳужжатларга киритилган қўшимча ва ўзгартиришларнинг хронологик тарихини кўриш;*

— *ҳужжат матнини алоҳида ойнада очиш;*

— *ҳужжат матнининг фойдаланувчи танлаган санадаги ҳолатини кўрсатиш;*

— *«Ҳаволалар харитаси» — танланган ҳужжатга нисбатан корреспондент /*

респондент ҳужжатлар рўйхати;

— *ҳужжат таркибида расмий матн қаторида норасмий ахборотларни (тушунтириш ва изоҳлар каби) акс эттириш;*

— *ҳужжат таркибида матн, жадвал, расмлар ва графикларни акс эттириш;*

фойдаланувчи ишлаган ҳужжатлар тарихини автоматик тарзда тизимда сақлаб қолиш ва бунда:

— *танланган ҳужжатлар рўйхатини сақлаб қолиш;*

— *излаш шартларини сақлаб қолиш;*

— *фойдаланувчи ишлаган ҳужжатлар тарихини тизимда сақлаш;*

фойдаланувчи маълумотларини ва интерфейсини ўзбек ва рус тилларида олиб бориш; базага киритилган ҳужжатлар ҳақида электрон почта орқали хабар йўллаш.

WWW.LEX.UZ

сайтига марҳамат қилинг